

# НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

## ДЕПУТАТЛАР 2014 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ТАСДИҚЛАДИЛАР

14 ноябрь кuni Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.



Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан тақлиф этилган кун тартиби тасдиқланганидан кейин депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – молия вазири Р.Азимов ҳамда Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раисининг ўринбосари С.Отамуродов маъруза қилдилар.

Шу нарса таъкидландики, мамлакатимизнинг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳаси 2013 йил январь ойида ўтказилган Ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури ҳамда жорий йилдаги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларининг прогноз баҳоси асосида ишлаб чиқилган. Бюджет лойиҳаси иқтисодиётнинг барқарор юқори суръатларда ўсишини, иқтисодий барқарорликни, экспорт ўсишининг мувозанатлаштирилган кўрсаткичларини, ташқи савдо ва тўлов балансининг ижобий сальдосини сақлаб қолишга, иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилгандир. Айни бир вақтнинг ўзида 2014 йилда ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш миқдосларини жаддалаштириш ва кенгайтириш ҳамда йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш дастурларини фаол амалга ошириш давом эттирилади.

2014 йилда ялпи ички маҳсулот 108,1 фоизга, саноат маҳсулоти 108,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш 106 фоизга ва капитал қўйилмалар 109,5 фоизга ўсиши назарда тутилмоқда. Давлат бюджети лойиҳасида юридик шахсларнинг фойдасидан олинadиган солиқнинг базавий ставкасини 9 фоиздан 8 фоизга камайтириш назарда тутилмоқда, бу эса 132 млрд сўмни корхоналар ихтиёрида қолдириш имконини беради. Жисмоний шахслар даромадларидан олинadиган солиқ бўйича даромадларга солиқ солишининг энг кам ставкасини 8 фоиздан 7,5 фоизга камайтириш назарда тутилмоқда.

Мамлакатимизнинг келгуси йилдаги асосий молиявий ҳужжати аниқ ижтимоий йўналишга эга. Унда ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият соҳаларини янада ривожлантиришга, умуман, меҳнат ҳақини жадал оширишга, манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлашга катта эътибор қаратилган. Чунончи, 2014 йилда таълим соҳасига ажратилadиган харажатлар ялпи ички маҳсулотнинг 7,5 фоизини, соғлиқни сақлашга ажратилadиган харажатлар эса ЯИМнинг 3,1 фоизини ташкил этади, бу эса баркамол ва соғлом авлодни вояга етказиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимини ислох этиш бўйича қабул қилинган дастурларда назарда тутилган тадбирларни тўлиқ ҳажмда молиялаштириш имконини беради. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун сарфланadиган харажатлар 2013 йилдаги 59,3 фоиздан 2014 йилда 59,6 фоизга кўпаяди.

Фуқароларни ижтимоий таъминлашга ажратилadиган харажатларни ошириш кўзда тутилмоқда. Ижтимоий нафақалар тўлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш, шунингдек, компенсация тўловларига сарфланadиган харажатлар ЯИМга нисбатан 1,4 фоиз миқдоридан назарда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 майда қабул қилинган қарори билан тасдиқланган 2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-

тадбирлар Дастурини амалга ошириш доирасида мамлакатимизда янги тиббий-ижтимоий муассасалар қурилиши ва мавжудларини таъмирлаш ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга доир тадбирларни молиялаштириш, аҳолининг ушбу тоифаларини мақсадли даволаш ва соғломлаштиришни амалга ошириш, шунингдек, уларнинг уй-жой маиший шароитларини яхшилаш учун Давлат бюджетидан маблағлар ажратиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизнинг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳасида кам ҳосил берадиган ерларда пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, шу жумладан қишлоқ жойларда йўлларни буткул ва жорий таъмирлаш ҳам назарда тутилган.

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган марказлаштирилган инвестициялар ҳажми 1,5 трлн сўмни ёки ЯИМга нисбатан 1,0 фоизни ташкил этади, ушбу маблағлар қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви билан таъминлашга ва янги ташкил этилаётган турар жой массивларида ижтимоий инфратузилма объектларини ва ички йўллар барпо этишга йўналтирилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, касаначилик ва оилавий тадбиркорликнинг турли шаклларини кенгайтириш, шунингдек, касб-хунар коллежлари ва лицейларнинг битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳисобига Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини амалга ошириш – мамлакатимизни келгуси йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан биридир. 2014 йилда 983,6 мингта янги иш ўринлари ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Давлат молиявий маблағларини бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланилишини кучайтириш ва давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини яхшилаш мақсадида 2014 йил 1 январдан бошлаб 2014-2015 йилларда синаб кўриш учун Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини амалга киритиш назарда тутилмоқда. Ана шу давр мобайнида заруратга қараб ўзгартиш ва қўшимчалар киритиб борилади.

Бюджет кодексини амалга киритишдан асосий мақсад – амалиётдаги мавжуд қарама-қаршиликлар ва эскириб қолган нормаларни бартараф этиш, шунингдек, амалиётда қўлланиладиган нормалар, қоидаларни, бюджет жараёни қатнашчиларининг ваколатларини тизимлаштириш имконини берадиган ягона қонун ҳужжатида бутун бюджет жараёнини тизимлаштиришдан иборатдир.

Савол-жавоблардан сўнг мамлакатимизнинг 2014 йилги Давлат бюджети лойиҳаси атрофлича муҳокама этилди, ушбу муҳокама давомида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини, таълим, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданиятни, жамиятимиз ҳаётининг бошқа соҳаларини ривожлантириш дастурларини ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш муҳимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокама давомида билдирилган фикр-мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Давлат бюджетини тасдиқлади ва тегишли қарор қабул қилди.

Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати материали асосида тайёрланди.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

## ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнгги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан [norma.uz](http://norma.uz) сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.



### ҚАШҚАДАРЁГА ХУШ КЕЛИБСИЗ

Вазирлар Маҳкамаси 1.11.2013 йилдаги 294-сон қарор билан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбектуризм» миллий компанияси, вилоят ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган 2013—2015 йиллар даврида Қашқадарё вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш дастурини тасдиқлади.

Қарор билан туризм соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли параметрлари ҳамда кўламларини янада ривожлантириш ва кенгайтириш тадбирлари комплекси тасдиқланди. Хусусан, минтақанинг маданий мероси моддий объектларининг ягона реестрини тузиш; барча маданий мерос объектларида ахборот стендлари ва кўрсаткичларини тайёрлаш ва ўрнатиш; Шаҳрисабз ва Қаршидаги оммавий маданий-қўнғилочар объектларда ранг-баранг лазерли шоулар тизимини ўрнатиш; Шаҳрисабз туманидаги А.Темур хиёбонида янги фавворалар қуриш, Шаҳрисабз шаҳрида «Оқсарой» комплексида мунтазам ўтказиладиган театрлаштирилган маскаралар томошаларини ташкил қилиш; сайёҳлар кўп келадиган жойларда Wi-Fi-зоналарини барпо этиш; Google Earth да жойлаштириш учун Шаҳрисабз архитектура объектларининг 3D-моделлини яратиш ҳамда минтақада замонавий халқаро туризм талабларига жавоб берадиган инфратузилмани барпо этишга йўналтирилган бошқа чора-тадбирлар назарда тутилган.



Қарор билан шунингдек тарихий-маданий мерос объектларини реставрация қилиш ва уларнинг ҳолатини яхшилаш бўйича ҳамда меҳмонхоналар, ресторанлар ва туризм инфратузилмасининг бошқа объектларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича манзилли рўйхатлар; Туризм соҳасини ривожлантириш дастурига киритилган лойиҳалар ва тадбирларни молиялаштириш жадвали тасдиқланди.

Ҳужжат билан Дастурнинг бажарилиши мониторингини олиб бориш бўйича Ишчи гуруҳ ташкил этилди. Унинг вазифалари қаторига Дастурга киритилган лойиҳаларни биргаликда молиялаштириш учун хорижий инвестицияларни, донор мамлакатлар, халқаро ташкилотларнинг кредитлари ва грантларини жалб этиш ҳам киритилди. Ишчи гуруҳга тайёрланган ва белгиланган тартибда келишилган лойиҳа тақлифлари мавжуд бўлганда Дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилади.

Дастур доирасида назарда тутилган объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун республикада ишлаб чиқарилмайдиган, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланadиган рўйхатлар бўйича четдан олиб кириладиган асбоб-ускуналар, уларга эҳтиёт қисмлар ва бошқа товарлар 2016 йил 1 январгача божхона тўловларидан озод қилинади (божхона расмийлаштируви йиғимлари бундан мустасно).

Имтиёз мақсадли хусусиятга эга – Дастур доирасида назарда тутилган лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирилади. Улардан бошқа мақсадларда фойдаланилган тақдирда бўшайдиган маблағлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган жарима санкциялари қўлланилган ҳолда тўлиқ ҳажмда Давлат бюджетига ундирилади.

Банкларга лойиҳаларнинг ташаббускорларига Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкасидан ортиқ бўлмаган ставка бўйича, имтиёзли даври 12 ой бўлган камида 5 йил муддатга бериладиган имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия қилинади.

# МАСЛАХАТЧИ ВАКИЛ БЎЛА ОЛАДИ

**Компаниямиз солиқлар ва мажбурий тўловлар бюджетга ҳамда бюджетдан ташқари жамғармаларга тўғри ҳисобланганлигини баҳолаш, солиқ органларининг қарорлари юзасидан эътирозлар тайёрлаш бўйича консалтинг хизматлари кўрсатади. Зарур ҳолларда ходимларимиз узимиз тайёрлаган эътирозларни ҳимоя қилиш мақсадида ҳўжалик судида буюртмачи корхона номидан шартнома ва ишончнома асосида иштирок этадилар.**

**1. Ишончнома асосида ҳўжалик судида тарафларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш фақат адвокатлик тузилмаларининг фаолияти сифатида қараладими?**

**2. Консалтинг компанияси ходими ҳўжалик судида ишончнома асосида буюртмачи корхона манфаатларини ҳимоя қилишга ҳақлими?**

Директор.

– 1. Йўқ, қаралмайди. Адвокатура – фуқаролар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларга юридик ёрдам кўрсатадиган ҳуқуқий институт. Айна адвокатлар асосан судларда тарафларнинг вакиллари сифатида иш юритиш бўйича профессионал фаолият билан шуғулланадилар.

Адвокатлик тузилмаларидан ташқари аудиторлар, солиқ маслаҳатчилари ташкилотлари ва ҳуқуқнинг айрим соҳаларида ҳам профессионал ёрдам кўрсатадиган бошқа консалтинг тузилмалари мавжуд.

Бунда қонун ҳужжатларига биноан фуқаролик (Фуқаролик процессуал кодекси 52-моддасининг иккинчи қисми) ва жиноят (Жиноят-процессуал кодексининг 49 ва 62-моддалари) суди ишини юритишда вакил бўлиш ҳуқуқига эга шахсларнинг доираси чекланган. Ҳўжалик процессуал кодексида (ХПК) эса бундай чекловлар мавжуд эмас. ХПК 50-моддасининг биринчи қисмига кўра ҳўжалик судида иш юритиш учун тегишли тарзда расмийлаштирилган ваколатга эга бўлган ҳар қандай фуқаро ҳўжалик судида вакил бўлиши мумкин.

2. Ҳа, ҳақли, башарти ҳўжалик судида иш юритишга ваколатлари лозим даражада расмийлаштирилган бўлса. ХПК 49-моддасининг биринчи қисмига мувофиқ ҳўжалик судида ташкилотларнинг ишларини уларнинг қонун ҳужжатларида ёки таъсис ҳужжатларида берилган ваколатлар доирасида иш кўрадиган органлари ҳамда вакиллари олиб боради.

Яна бир бор таъкидлаб ўтамизки, ҳўжалик судида иш юритиш учун тегишли тарзда расмийлаштирилган ваколатга эга бўлган ҳар қандай фуқаро ҳўжалик судида вакил бўлиши мумкин. ХПКнинг 51-моддасига кўра вакилнинг ваколатлари қонунга мувофиқ берилган ва расмийлаштирилган ишончномада ифода этилган бўлиши керак. Ташкилот номидан берилган ишончномага унинг раҳбари ёки таъсис ҳужжатларида шундай ваколат берилган бошқа шахс имзо чекади ва бу имзо ташкилотнинг муҳри билан тасдиқланади.

Абдурахмон БАХТИЕВ,  
эксперт-юристимиз.

## КАДРЛАР БОШҚАРУВИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг жамиятнинг барча жабҳаларида бўлгани каби раҳбар ва бошқарув кадрлари тизимини янгилаш соҳасида ҳам ислохотлар жараёни бошланди. Бу жараён янги таркиб топаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий муносабатларнинг моҳиятини англаб, мустақиллик талабларига жавоб берадиган, тоталитар тузум даврида шаклланган эски кадрлар тизимидан фарқли ўлароқ, янги раҳбар кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш билан боғлиқ.**

Мустақиллик йилларида янги раҳбар ва бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ҳамда жой-жойига қўйиш соҳасида салмоқли натижалар қўлга киритилди ва ўзига хос жиҳатларга эга бўлган миллий тизим шакллантирилди. Бугунги кунда республикамизда кадрлар сиёсатининг янги тизимини шакллантириш ва амалга ошириш масаласи ҳамда уни ҳал этиш йўллари белгилаб олинди. Мазкур сиёсатни амалга ошириш учун «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Шуни ҳисобга олган ҳолда давлат ва жамият бошқарувининг барча соҳаларида кадрлар тизими янги асосда шакллантирилмоқда. Бу масала билан боғлиқ турли даражадаги хилма-хил вазифалар ва талаблар орасида куйидагилар алоҳида аҳамият касб этади: а) кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланувчи таълим муассасалари, академия, институтлар, жамоат бирлашмаларининг замон талаблари даражасидаги фаолиятини таъминлаш; б) кадрларни танлаш тизимини такомиллаштириб бориш, бунда: алоҳида шахсларнинг фикр-мулоҳазалари; кадрни характерловчи сифатлар; кадрнинг раҳбарлик ва

бошқарув тажрибаси; лаёқати; масъулиятлилиги; давлат ва жамият манфаатларини ҳисобга ола билиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ушбу вазифа ва талабларнинг юқори сифатда бажарилишини таъминлаш юзасидан узлуксиз равишда амалга ошириб бориш лозим бўлган ишлар куйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

1. Кадрлар сиёсати билан боғлиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни мавжуд талаблар даражасида такомиллаштириб бориш.

2. Кадрлар тайёрлаш соҳасида рақобатбардошлик сифатларини ошириб бориш.

3. Раҳбар ва бошқарув кадрларининг узлуксиз таълим олишлари ва малакаларини мунтазам такомиллаштириб боришларини таъминлаш.

4. Кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимидаги барча таълим муассасаларининг замонавий талаблар даражасида фаолият олиб боришини мунтазам таъминлаб бориш.

5. Кадрларни танлаш тизимининг замонавий илғор усулларини амалиётга жорий қилиш.

6. Кадрларнинг иш фаолияти самарадорлиги мониторингини олиб бориш.

## РЕКЛАМА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори ҳамда Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 5.11.2013 йилдаги ҳал қилув қарорларига асосан иловада келтирилган корхоналар тугатилмоқда.

Мазкур корхоналарнинг думалоқ муҳр ва бурчак тамгалари, шунингдек давлат рўйхатида олинганлиги тўғрисидаги гувоҳномалари ва барча таъсис ҳужжатларининг асл нусхалари бекор қилинади. Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида Юнусобод тумани ҳокимияти қошидаги махсус тугатиш комиссияси томонидан қабул қилинади. 2 ой мобайнида даъво билан Тошкент шаҳар махсус тугатиш комиссиясига мурожаат қилинмаган ҳолда корхоналар белгиланган тартибда Давлат реестридан чиқарилади. Телефон: 234-10-29.

Тошкент шаҳар ҳўжалик судининг 5.11.2013 йилдаги ҳал қилув қарорларига асосан Юнусобод туманидаги тугатилган корхоналар

### РЎЙХАТИ

СТИР	Корхона номи	Ҳўжалик суди қарори рақами ва санаси
201005080	MOLIYAMENEDJMENT/ФИНМЕНЕДЖМЕ НТ	10-1304/17626
201308369	YUFAST/Ю.ФАСТ	10-1304/17657
203713323	AKSIOMA	10-1304/17616
301933293	CHROME ART	10-1304/17651
204838823	MERKURY INVESTMENT	10-1304/17652
204915403	ALYANS-GRUP	10-1304/17660
205709318	OMAD YASHIN	10-1304/17624
302333295	PROFIT WAY	10-1304/17617
207032693	US RECORDS	10-1304/17609
300397907	MORXAB-AVTO SERVIS	10-1304/17599
300954158	MARSUS TEHNO CONSTRUCTION	10-1304/17639
206858243	MODERN-MED-SERVIS/BREYN-MEDIKAL	10-1304/17614
300465710	ARMADA CONSTRUCTION	10-1304/17613
300789434	AHMAD BARAKA TEKSTIL/JASUR-GO'ZAL	10-1304/17606
300608364	KAPITAL INNOVATSIYA	10-1304/17659
300745228	ADS BARAKA BIZNES	10-1304/17650
301694039	TICKET PLUS	10-1304/17648
300880346	EURO MAX SUPER	10-1304/17649
204728722	ALISHERGOLD	10-1304/17635
301144800	TEPLOLUX	10-1304/17634
301300844	VERA TOUR	10-1304/17612
301308516	USTA JURABEK QURILISH	10-1304/17627
302259197	XASANOV ISXOQHO'JA	10-1304/17593
301748586	DILSHOD FAYZ OMAD SAVDO	10-1304/17604
301494746	BEST DRIVE MOTORS	10-1304/17638
301353841	CRYSTALLINE BUSINESS	10-1304/17602
301621358	SUHROB-SAXIY QO'L	10-1304/17629
301612090	KAROMAT FAYZ SAVDO	10-1304/17608
301623584	YAXNA CHOY ASV	10-1304/17607
301024055	PORLOQ BARAKA UL'GURJI SAVDO/BARAKALI NAMANGAN UL'GURJI SAVDO	10-1304/17603
301629243	METALL EXPERT PLUS	10-1304/17632
301634064	LIT MEX MASTER	10-1304/17646
301641364	TATA SMILE	10-1304/17591
301729546	KAMOLA AGAT	10-1304/17594
301647221	PROF KLASSIK	10-1304/17653
301688109	GLOBAL ENGINEERING-BUILDING	10-1304/17637
301699119	G'URURBROK SERVIS	10-1304/17658
207098825	AZIZA-GO'ZAL KELAJAK	10-1304/17656
302174004	GLOBAL PROCESS	10-1304/17596
301888057	HABIBI BYARTMEN	10-1304/17631
301894066	DILIMUR GRAND BUSINESS	10-1304/17633
302288613	SAIDOLIM GUZARI	10-1304/17628
301960997	SOLUTION STYLE	10-1304/17623
302082830	AGRO SPATIUM	10-1304/17636
302085652	MAYIN QO'G'UZ	10-1304/17592
302109636	DIYORA SHAXINA BIZNES	10-1304/17654
302113165	GULSHODA BARAKA NJR	10-1304/17598
207133307	NOZLIYA FARM SERVIS	10-1304/17610
302121568	PROGRESS MEDIA SYSTEM	10-1304/17615
302146529	SUNSET INTERNATIONAL	10-1304/17655
302292633	IRODA INTERNET NIGHT	10-1304/17590
302173979	AZIA STAR RECORDS	10-1304/17622
302174011	SONATA ALLIANCE	10-1304/17641
302197520	FITNESS CONTROL	10-1304/17643
302208624	DAVRONXOJA MAZALI TAOMLARI	10-1304/17642
207144499	KIM VS PRESS	10-1304/17620
302268961	NOSIROV ASROR FAYZ	10-1304/17630
302415003	DILBAR IMPORT EKSPORT	10-1304/17601
302352945	DELICIOUS-FOOD EXCLUSIVE	10-1304/17625
302373286	GRAND STAR PRESS	10-1304/17645
302391383	UMAR AIR GROUP	10-1304/17621
302416548	KAMRON NEW STAR	10-1304/17644
302441881	ALEX UNIVERSAL SERVICE	10-1304/17600
302554148	SOHIBKOR NUR BARAKA	10-1304/17605
302561868	RUSTAMJON ILMOHOMOVICH SAVDO BARAKA	10-1304/17595
301727249	BAYAR BOVAR GROUP	10-1304/17620
302127740	IDEAL BUILDING PRODUCTION	10-1304/17630

7. Кадрлар бошқарувининг электрон тизимини яратиш ва амалга жорий қилиш.

Кадрлар бошқаруви самарадорлигини оширишнинг ушбу йўналишлари бўйича долзарб муаммоларни белгилаш ва уларнинг ечимини ўз вақтида илмий-назарий асосланган ҳолда замонавий талаблар даражасида ҳал этиб бориш республикамизда кадрлар сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда алоҳида ўрин тутди.

Ф.МАҲМУДОВА,  
А.Авлоний номидаги  
ХТХҚТМОМИ фан эксперти.

## МДҲ ВА БОЛТИҚБЎЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	18.11.2013	1	0,7844	1	1,0585	1	0,0241
Арманистон	15.11.2013	1	405,33	1	544,72	1	12,40
Беларусь	19.11.2013	1	9280,00	1	12520,00	1	285,00
Грузия	18.11.2013	1	1,6764	1	2,2539	100	5,1296
Қозоғистон	18.11.2013	1	153,18	1	206,10	1	4,69
Қирғизистон	19.11.2013	1	48,9000	1	66,0297	1	1,5016
Латвия	18.11.2013	1	0,522000	1	0,702804	1	0,016000
Литва	19.11.2013	1	2,557	1	3,4528	1	0,078519
Молдова	18.11.2013	1	12,9619	1	17,4317	1	0,3966
Россия	19.11.2013	1	32,5658	1	43,9541	—	—
Тожикистон	18.11.2013	1	4,7720	1	6,3731	1	0,1497
Украина	18.11.2013	100	799,3000	100	1075,8578	10	2,4458
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

## ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 19 ноябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:\*)

1 Австралия доллари	2054,21	1 Польша злотийси	705,88
1 Англия фунт стерлинги	3526,25	1 СДР	3341,41
1 Дания кронаси	395,57	1 Туркия лираси	1078,17
1 БАА дирҳами	595,43	1 Швейцария франки	2391,69
1 АҚШ доллари	2186,96	1 ЕВРО	2967,49
1 Миср фунти	317,49	10 Жанубий Корея вони	20,61
1 Исландия кронаси	18,06	10 Япония иенаси	218,28
1 Канада доллари	2097,00	1 Россия рубли	66,92
1 Хитой юани	359,05	1 Украина гривнаси	273,61
1 Малайзия ринггити	684,71		

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

### • ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

– Депутатлар 2014 йилги Давлат бюджетини тасдиқладилар

1-бет

### • ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

– Янги ҳужжатларни тақдим этамиз  
1, 7-8-бетлар

### • ШУ СОНГА САВОЛ

– Маслаҳатчи вакил бўла олади  
– Кадрлар бошқарувининг замонавий йўналишлари  
– Валюталар курси  
2-бет

### • БИЗ ЯШАЙДИГАН УЙ

– Бошқарувчилар сафи кенгаймоқдами?  
– Ўз кучига ишонган маъқулми ёки профессионалларга?  
– ХУМШ + БК = муваффақият  
– E-kommunal.uz: қулай ва ишончли

– Ширкат хусусий дўкон эмас!  
– Қандай қилиб нураган эмас, нурланган квартирани сотиб олиш мумкин?  
– Коммунал хизматларда тежашнинг 21 усули

3-6-бетлар



## МУНДАРИЖА

- ✓ Бошқарувчилар сафи кенгаймоқдами?..
- ✓ Ўз кучига ишонган маъқулми ёки профессионалларга?
- ✓ ХУМШ + БК = муваффақият
- ✓ E-kommunal.uz: қулай ва ишончли
- ✓ Ширкат хусусий дўкон эмас!
- ✓ Қандай қилиб нураган эмас, нурланган квартирани сотиб олиш мумкин?..
- ✓ Коммунал хизматларда тежашнинг 21 усули

Шу соннинг мавзуси: Бошқарув қоидалари

## БОШҚАРУВЧИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДАМИ?..

Уй-жой хизматлари бозорида янги иштирокчилар, омилкорлар пайдо бўлаётган кўринади. Авваллари мамлакатимизнинг кўп квартирали уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича профессионал компанияларни барпо этишда уй-жой-коммунал соҳаси вакилларининг ўзи ташаббускор бўларди. Эндиликда эса бундай компанияларнинг муассислари орасида фаолиятнинг турли соҳалари намояндаси бўлмиш жисмоний ва юридик шахсларни учратиш мумкин. Бир сўз билан айтганда, уй-жой ва коммунал соҳаси тадбиркорларни тобора кўпроқ қизиқтираётган жабҳага айланаётир.

Уй-жой ва коммунал хўжалиги ислоҳотида муҳим роль ўйнайдиган бошқарувчи компаниялардан кўп квартирали уйларнинг техник ҳолатини яхшилаш борасида умид катта. Ана шу тузилма бошида катта ширкатларни майдороқ ширкатларга айлантириш тақозоси билан, уларнинг моддий-техника базасида қарор топган эди. Бошқарувчи компания тизгинини дастлабки пайтларда йирик ХУМШларнинг ё собиқ раислари, ёки ижрочи директорлари қўлга олдилар. Аслида булар уй-жойдан фойдаланиш идорасида суюғи қотган ходимлар бўлиб, бозор иқтисодиёти ҳақида ҳеч бир тасаввурлари йўқ эди. Шунга қарамай, улар зиммасига бозор муносабатларини йўлга қўйиш, рақобат муҳитини шакллантиришдек муҳим вазифа юкланди. Бошқарувчи компаниялар ўзлари ҳам билмаган ҳолда бир уйдан иборат ширкатлар ҳамда кичик ширкатлар тимсолида бозорнинг бошқа тўлақонли субъектлари пайдо бўлишида кўмакдош бўлдилар. Бундай ширкатлар хизматлар буюртмачисига айланиб, бошқарувчи компаниялар билан бозор муносабатларини шартнома асосида йўлга қўйишни ўрганиб олдилар.

Бугунги кунда уй-жой жабҳаси бу борада амалий тажриба ва кўникмаси бўлмаган янгидан-янги иштирокчиларни жалб этмоқда. Бошқарувчи компаниялар ривож топишининг ҳозирги

босқичида уларни ташкил этиш ишига йирик корхоналар, хусусий фирмалар, банклар, жамоат ташкилотлари ва шу сингарилар ҳам жиддий киришдилар. Умуман олганда, бунинг ёмон


томони йўқ. Янги иштирокчилар пайдо бўлиши билан бозор жонланиб, рақобат янада кучаяди деб умид қилса бўлади. Ширкатлар ва уй-жой мулкдорларида, бинобарин буюртмачиларда энг сифатли хизматларни танлаш учун кенг имкониятлар юзага келмоқда. Янги бошқарувчи компанияларнинг кўпгина муассислари аввалги муассислардан фарқли равишда бозор кўникмаларини эгаллаганлиги оқибатида ўзларини зарур техника базаси билан таъмин этишлари мумкин. Бу эса иш муваффақиятли бошланишига бўлган ишончли таъминлайди.

<sup>1</sup>Президентнинг 11.02.2005 йилдаги «Коммунал хизматлар тарифларининг асосси равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисобкитоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5-сон қарори.

<sup>2</sup>Президентнинг 25.07.2006 йилдаги «1991 йилгача қурилган кўп хонадонли турар-жой биноларининг умумфойдаланадиган жойлари ва муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланишини яқунлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-425-сон ҳамда 24.12.2010 йилдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ-1449-сон қарорлари.

\*Тахририят ихтилоfli вазиятларни таҳлил қилишда иштирок этмайди ва уларни ҳал қилишда кўмаклашишга ваколатли эмас.

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.



Уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасига бошқа жабҳа вакилларининг қизиқиши боиси бу сектор давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлигидир. Ширкатларнинг уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш ишлари билан шуғулланаётган профессионал бошқарувчи компанияларга 2005-2007 йиллар мобайнида бюджетга тушадиган барча турдаги солиқлар ва йиғимлардан озод этишдек имтиёзлар<sup>1</sup> берилди. Солиқ преференциялари бошқарувчи компаниялар (бундан буён матнда БК деб юритилади) учун 7 йил мобайнида икки марта узайтирилди<sup>2</sup>. Улар 2014 йил 1 январга қадар бўлган давр учун барча солиқлар, йиғимлар ҳамда бюджет ва мақсадли жамғармаларга мажбурий ажратмалардан (ягона ижтимоий тўлов бундан мустасно) озод қилиб қўйилди. Бизнесни ривожлантириш учун бу бениҳоя зўр омилдир.

Бундан ташқари, кўп квартиралар уй-жой фондининг техник ҳолатини яхшилаш борасида БК зиммасидаги ролни инобатга олиб, мазкур тижоратчи тузилмаларнинг моддий-техника базасини шакллантиришда кўмак бериш ва мадакор бўлишда ташаббусни давлат ўз қўлига олмоқда. Уларнинг қарор топишида ҳомийлар, хусусан банклар муайян роль ўйнамоқда, жумладан автотранспорт, асбобускуна харид қилишда имтиёзли кредитлар бермоқда. Янги иштирокчиларни кўпроқ мазкур бизнесга талаб катталиги, қолаверса барқарорлик қизиқтирмоқда. Негаки, одамлар ҳамisha яхшилаб таъмирланган уйларида, рисоладагидек шароитда яшашни хошлашади, шунга интилишади ҳам.

Соҳадаги янги иштирокчилар коммунал жабҳадаги бизнеснинг ўзига хос хусусиятлари борасида етарлича тасаввурга эга эмасликлари, уни оддийгина, аммо сердаромад иш деб билишлари оқибатида тушунмовчиликлар ҳам бўлиб турибди. Кўп квартиралар уй аслида бағоят мураккаб техник объектдир. Зотан, унда яшовчи квартира эгаларининг ижтимоий ҳолатини инобатга олиш, улар билан талаб даражасида мулоқот ўрнатиш зарур. БКлар ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан шунга боғлиқдир. Янги компанияларнинг аксарияти ўз хизматларига буюртмачи бўлмиш ХУМШлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини билмайдилар, кўп квартиралар уйни асраш, таъминотини йўлга қўйишни ҳам, ишни нимадан бошлаш

зарур эканлигини ҳам яхши тасаввур этмайдилар. Баъзиларда уй-жой жабҳаси ортиқча саъй-ҳаракатларсиз, осонгина пул топиш мумкин бўлган соҳа деган эскича тасаввур сақланиб қолган. Уни қолдиқ принципи асосида ишни ташкил этиб, ғайрат-шижоат кўрсатмаса ҳам бўладиган соҳа деб биладилар, шартномаларда ёзиб қўйилган жавобгарликка нописандлик билан қарайдилар. Оқибат-натижада эса ХУМШлар бундай БКлар хизматидан воз кечадилар. Амалиётда бундай ҳоллар учраб турибди.

Айрим БКларнинг раҳбарлари даромадлар ва харажатлар сметаси қандай тузилишини тузукроқ тасаввур этмайдилар, уни бизнес-режа деб атайдилар, кўрсатилаётган хизматлар баҳосини ҳисоблашдаги тасаввурлари ҳам етарли эмас. Уларнинг аксарияти ширкатлар учун туркум хизматларнинг баҳосини ошириб юборган: баҳолар тўланган мажбурий бадалларнинг 40-50 фоизини ва ундан ҳам ортиқроғини ташкил этмоқда. Улардан нима учун айна шунча баҳо белгиланди деб сўралса, тайинли жавоб айтолмайдилар. Демак, айрим турдаги хизматлар баҳоси охиригача пухта ҳисобланмаган, қайд этилган қиймат ё осмондан олиб, ёки «қўшни БК шунча ҳақ олмоқда» принципи асосида белгиланмоқда.

Бундай амалиёт, табиийки, ширкатларга ёқмайди. Негаки, у уйларнинг техник ҳолатини, меҳнатнинг ҳақиқий сарф-харажати эътиборга олмайди, буюртмачиларни танлаш имкониятини торайтирмоқда. Шуниси ҳам борки, ширкатларга хизматларнинг жами ҳажмини зўрлаб тиқиштиришади. Ҳолбуки, баъзиларга бундай хизматлар умуман керак эмас, бошқаларнинг эса кармони кўтармайди. Ҳатто кулгилироқ ҳолатлар ҳам учраб келмоқда. Янги ташкил топган БК раҳбари ўз бизнесини яхшироқ йўлга қўйиш мақсадида мутахассислар билан маслаҳатлашгани келиб, уларга туркум хизматларининг баҳоси ҳисоблаб чиқарилган мажбурий бадалларнинг 90 фоизини ташкил этишини айтган. Бу тариф сиёсати моҳиятини мутлақо тушунмаслиқдир. Агар шундай қилинса, яъни БК бор пулларни оладиган бўлса, ширкат ихтиёрида нима қолади? Ким ҳам бундай бошқарувчи компанияга мурожаат қилади дейсиз?! Айна бир вақтда хизматларнинг ҳар бир тури баҳосини алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқариш ишнинг очиқ-ошкоралигини, бинобарин, буюртмачилар ишончини

таъминлайди. Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси БК ходимлари ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш зарурлигидан далолат бермоқда.

Муваффақиятли тарзда иш олиб бораётган бошқарувчи компания ширкатга профессионалларнинг уй хўжалигига кўрсатадиган хизмати афзаллигини яққол кўрсатиб бериши мумкин. Бир уйдан ташкил топган ва кичик ХУМШларнинг аксарияти буни тушунгач, БКлар билан иккиланмай шартнома тузаврадилар. Хизматлар баҳоси ҳақиқатан йироқ тарзда белгиланган, хизматлар ижроси янада яхшиланиши жоиз бўлган жойларда эса ширкат БК катта ҳақ эвазига қиладиган хизматларни, ишларни ўзи бажариши мумкин. Натижада ширкат БК билан шартномани бекор қилади ва уйга ўз кучи билан хизмат кўрсатишга ўтади. Шу йўсин тижоратчи тузилмаларнинг масъулиятсизлиги уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасидаги давлат сиёсати соя солади, ислохотларнинг янада олға боришига тўсқинлик қилади, бу борада орттирилган яхши тажриба ва ютуқларни ҳам йўққа чиқаради.

Яна бир муҳим жиҳат бор. Ўзини етарлича иш жабҳаси билан таъминлаш мақсадида баъзи БКлар маъмуриятчилик йўлини тутиб, ширкатларга босим ўтказишга, уларни БКлар билан шартнома тузишга мажбурлаш йўлига ўтиб оладилар. Бу эса қонун ҳужжатларини бузишдир. Тўғри, мамлакатимизда кўп қаватли уйларни профессионал тарзда бошқариш ва уларга хизмат кўрсатиш афзал деб билинади. Лекин танлов ҳуқуқи ширкатнинг ихтиёрида қолмоғи керак. Ширкат уйни профессионал тарзда бошқариш фойдалилигини кўрса, албатта БКга боради. Демак бошқарувчи компания мижозларни жалб этмоқчи бўлса, ўз профессионал маҳоратига ХУМШларни ишонтира билиши лозим. Зўрлик қилиш билан эса иш битмайди.

«Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг (12.04.2006 йилдаги ЎРҚ-32-сон Қонун) 15 ва 19-моддаларига асосан бошқарув усули ҳақидаги қарор ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишида қабул қилинади. Агар танловда профессионал компания маъқул топилса, мазкур Қонуннинг 25-моддасида ширкат бошқаруви уни танлов асосида танламоғи лозимлиги айтилганлиги эътиборга олинмоғи лозим. Мухтасар қилиб айтганда, энг аввало, ишларнинг ва хизматларнинг сифати, шартнома мажбуриятларининг масъуллик билан ижро этилиши БК ишининг асосий кўрсаткичи бўлиб қолмоғи керак. ○

*Мавзуйий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*

# ЎЗ КУЧИГА ИШОНГАН МАЪҚУЛМИ ЁКИ ПРОФЕССИОНАЛЛАРГА?

*Кўп квартирали уй-жой фондига профессионал асосда хизмат кўрсатиш ва бошқаришнинг афзалликлари ҳақида кўп гапириш мумкин. Бироқ ширкатда танлаш имконияти бўлмаса ёки яқин атрофдаги бошқарувчи компанияларнинг (бундан буён матнда БК деб юритилади) иши кўнгилдагидек бўлмаса, ҳар қанақа тавсиянинг нафи бўлмайди ҳисоб. Энг аввало, бу жабҳа бозорида рақобат муҳитини шакллантирмоқ лозим. Бошқарувчи компания раҳбари эса бундан буён ҳам ишлар қўл учида, пала-партиш бажарилишига йўл қўяверса, буюртмачи, яъни ширкат хизмат нархи мақбул, сифати дуруст бошқа БКга мурожаат этиб қўя қолади. Бизда ишни муваффақиятли олиб бораётган, ўзи сингари тижорат тузилмалари орасида маҳорат билан иш юритаётган бошқарувчи компаниялар ҳам бор. Шулардан бири Тошкентдаги «Берёза коммунал сервис» деган бошқарувчи компаниядир. Биз ана шу компанияда бўлиб, бир уйдан иборат ва кичик ширкатларнинг аксарияти нима сабабдан компаниялар кўрсатадиган хизматга унча иштиёқ кўрсатмаётганлиги сабабини суриштирдик, кўп қаватли уйни профессионал асосда сақлаш ва асрашнинг афзалликларига уларни ишонтириш учун нима қилиш кераклигини сўрадик.*

## НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ

– Ўз-ўзига хизмат кўрсатишни афзал билувчи ширкатлар кўп квартирали уй-жой фондига профессионал асосда хизмат кўрсатишнинг иқтисодий нафини яхши англаб етмайдилар, – дейди «Берёза коммунал сервис» БК директори Валентина Азимова. – Ҳатто бир уйдан ташкил топган ХУМШлар ҳам чоғроққина хўжалик ташкил этишга, штатли ходимларга эга бўлишга ҳаракат қиладилар, бу эса уларнинг сарф-харажатини ошириб юборади. Ширкатлардан баъзиларини бунга масъулиятсиз БК хизматларига буюртма бериб, доғда қолганликлари ва бунақа компаниялар билан алоқада бўлишни сира истамасликлари сабаб бўлса, бошқалари уй хўжалиги билан боғлиқ ташвишларни БК зиммасига бажонидил юклашни истасалар ҳам яқин орада бундай компания йўқлиги боис бошқача йўл тутишга мажбур бўлмоқда.

Субъектив ва объектив сабаблар орасидан залворлироқларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Булар, энг аввало, кўп қаватли уйда яшовчиларнинг уйни профессионал асосда бошқариш имкониятларидан хабарсизлиги, уй-жой хизматлари бозорида рақобат йўқлиги боис танлов имконияти чекланганлиги, қолаверса БКларнинг профессионал савияси талаб даражасида эмаслигидир. Ана шу сабабларнинг биринчисига бироз тўхтаб ўтайлик. Уй хўжалигини бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш усули хусусидаги қарорни ХУМШ аъзолари қабул қиладилар. Шу сабабли ҳам ширкатлар бошқаруви ўртасидагина эмас, балки квартира эгалари ўртасида ҳам тушунтириш ишлари олиб борамиз. Маълумки, уларни асосан икки нарса – кўрсатиладиган хизматларнинг нархи ва сифати қизиқтиради. Одамнинг табиати шундайки, у кўпроқ нарса олиш ва бунинг учун камроқ тўлашни хоҳлайди. Лекин ҳаётда бундай эмас. Сарф-харажатларни эса имкон даражасида камайтириш ва мақбуллаштириш мумкин. Бунинг учун уй билан боғлиқ ишларни мутахассислар зиммасига юклаш керак. Мабодо муваффақиятли тарзда ишлаб келаётган компания вакилларига мурожаат қилган бўлсангиз, уйга қараш билан боғлиқ юмушларни улар яхшироқ ва сифатлироқ адо этадилар.

**МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:** «Берёза коммунал сервис» БК 2006 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Фаолият доираси кўп квартирали уйларни бошқариш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлашдан иборат. Бу БКга 4 та ширкат (312 квартира) туркум хизматларнинг ҳаммаси учун, 4 та ХУМШ эса айрим хизматлари учун буюртма берган. Лифт хўжалиги 25 та ширкатга хизмат кўрсатмоқда. Мазкур БК Республика уй-жой фонди профессионал бошқарувчилари ва хизмат кўрсатувчилари ташкилотлари уюшмасининг муассисларидан биридир. У кўп квартирали уй-жой фондиди энг яхши бошқариш юзасидан ўтказилган мамлакат миқёсидаги танлов голиби ҳамдир.



## СМЕТА ҲАМ, БАДАЛЛАР ҲАМ ТЎҒРИ БЎЛМАСА


Бизга кўпинча кўшни уйда яшайдиган кишилар, кўп қаватли уйга ўз кучи билан хизмат кўрсатиб келаётган ширкатлар бошқаруви аъзолари мурожаат этиб туришади. Улар бадаллар миқдорини тўғри белгилашда ёрдам сўрашади ёки смета қанчалик тўғри тузилганини текшириб беришни илтимос қилишади. Шундай кезлари БК ўз сўзини айта билиши зарур. Буюртмачилари сафи кенгайишидан манфаатдор компаниялар профессионал асосда хизмат кўрсатишнинг ҳамма афзалликларини омилкорлик билан тушунтириб беришлари керак.

Одатда битта уйдан ташкил топган ширкатларнинг муаммолари ўхшаш.

Мана, кўп учрайдиган воқеалардан бири. Тўққиз қаватли уйда яшайдиган квартира мулкдорлари бошқарув сметани нотўғри тузган деб ҳисоблаб, мажбурий бадаллар оширилишига кўнмайдилар. Айни бир вақтда улар салмоқлигина ишлар бажарилишини талаб қилишардики, бу ишларни ҳар квадрат метр саҳн учун 200 сўмга тенг бўлган бадал ҳисобидан бажариб бўлмасди.

Сметанинг ҳамма бандларини ҳисоб-китоб қилиб чиқдик, ана шунда талаб этилаётган ишларни бажариш учун бадал миқдорини 300 сўмга етказиш зарурлиги аён бўлди. Йиғилишда қайси ишларга қанча харажат кетишини эринмай тушунтирдик. Ертўлада иссиқлик тармоғи ўтказиш, томни тузатиш керак экан, бу эса озмунча харажат талаб қилмайди. 63 квартирадан иборат уй негизда ташкил топган ХУМШ штати 4 кишидан, яъни раис, сантехник, бухгалтер ва фаррошдан иборат бўлиб, уларнинг иш ҳақига бадалларнинг 45 фоизи сарфланар экан. Ходимлар кунига нари борса, 2 соат ишлашади, лекин уларга 7 соат учун ҳақ тўлайдилар. Сантехник биттагина иссиқлик тармоғига қараб туради, бинобарин ширкатда ку-

*Маевувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*



нига 1,5-2 соат ишлайди, ёз кезлари эса умуман қиладиган иши йўқ. Фаррошнинг ҳам иши кўп эмас. Уйга туташ чоғроқ худудни супуриш ва тартибга келтириш ярим соат вақтини олади, холос. Бу уй бухгалтерияси иши кунига 1 соат вақтни олади, бундан кўп эмас. Ҳисоблаб кўрилса, ХУМШ ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш сарф-харажатлари юки бадалларга зўр келиб, уларнинг ҳажмини ошириб юбормоқда. ХУМШ аъзолари тўловларининг қарийб ярми штатдаги ходимларга сарфланаётган бир шароитда бадалларни кўпайтирмай туриб, уй учун керакли катта харажатларга қандай қилиб пул тўплаш мумкин деган савол кўндаланг турибди. Башарти ширкат компаниямиз хизматларига буюртма берган тақдирда, ҳар квадрат метр саҳн учун бадални 230-250 сўм атрофида белгилаш билан кифояланса бўларди.

Бошқа бир ширкат аъзолари ҳам «ишқал» смета кўтариб келишди. Уларда ҳам тўққиз қаватли уй таъминоти пул етмаётган экан. Буларда ҳам штатдаги ходимларнинг иш ҳақиға барча мажбурий бадалларнинг ярмичаси кетаётган экан. Бадалларнинг 30 фоизи келгусида амалга ошириладиган капитал таъмирлаш ишларига, 10 фоизи майда ускуналар, 5 фоизи эса идора ашёлари олишга йўналтирилиши эътиборга олинса, уйга хизмат кўрсатишга... 5 фоиз қолади, холос.


Бир уйдан ташкил топган ширкатда штатли ходимлар сақлаш бошқа бир сабабга кўра ҳам самарали эмас. Сантехник, бухгалтер, фаррош ёки ижрочи директор унча банд бўлмагани сабабли 2-3 жойда ишлайди. Бир ширкатдан бошқасига югуриб юргани учун ҳам керак бўлганида улардан ҳеч бирини жойида топиб бўлмайди. Иш амал-тақал бажарилади, уйнинг ҳолати ҳам кўнгилдагидек бўлмайди, одамлар ҳам норизо.

### БОШҚАРУВЧИ КОМПАНИЯНИНГ ШИРКАТГА ФОЙДАСИ БОРМИ?

Ширкат, айтилик, сизнинг БКга барча хизматлар юзасидан буюртма бергудек бўлса, унинг қиймати уйнинг техник ҳолатига қараб бадал пулларининг 30-35 фоизини ташкил этади. ХУМШда эса ходимларнинг иш ҳақиға, юқорида айтганимиздек, 40-45 фоизи кетади. Компаниянинг айланмаси катта бўлгани унинг хизматлари буюртмачиларга жўяли нархларда бўлади. Шу боис бизнинг буюртмачи ширкатларимиз рентабелли ҳисобланади. Негаки, бадалларининг 35 фоизчаси уларнинг ўз ихтиёрида қолади. Капитал таъмирлаш ишларига мўлжаллаб йиғилиб борадиган 30 фоиз бунга кирмайди.

Ширкатларни жалб этиш учун БКлар тариф сиёсатини тўғри белгилаб олиши жуда муҳимдир. Одамлар ҳар бир хизмат қийматига қаноат ҳосил қилишлари, нима учун пул тўлаётганликларини билишлари, энг асосийси танлаш ҳуқуқиға эга бўлишлари керак. Ишдаги бундай очиқ-ошқоралик БКга бўлган ишончни таъминлайди ва мустаҳкамлайди. Хизматлар туркумига нарх қатъий белгиланса-ю, ҳар бир хизмат баҳоси алоҳида кўрсатилмаса, ҳамма хизматга эмас баъзиларига буюртма бериш имконияти бўлмаса, бу ҳол буюртмачиларнинг хоҳишини сўндиради.

Биз хизматларнинг ҳар бир тури учун баҳони алоҳида-алоҳида ҳисоблаб чиқариб қўямиз. Хизматлар туркуми тўлиғича кўрсатилишиға шартнома тузиш мумкин, шунингдек айрим турларига буюртма берса ҳам бўлади. Кейинги пайтларда мажбурий бадаллар нималардан ташкил топишини бирма-бир тавсиф этиб, ёзма усулда квартира мулкдорларига чиқариб беряпмиз. Улар у ёки бу хизматнинг бир соати қанчаға тушишини, уй-жойнинг 1 квадрат метри харажатлари қандай бўлишини шундоққина кўриб-билиб



Маевуви сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

олмоқдалар. Шу зайил бухгалтерия сир-асорларидан ҳам бохабар бўлмоқдалар. Масаланинг бу жиҳатларини билиш ХУМШ билан БК ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этмоқда.

Баъзи ширкатлар маблағларимизни бошқарувчи компания тасарруф этади деб чўчишади. Лекин ХУМШларнинг пуллари уларнинг ҳисоб-китоб варағида туради, уларни ўзлари тасарруф этишади. Бажарилган ишларға доир далолатнома асосида БКга кўрсатган хизматлари учун ҳақ ўтказиб беришади, холос. Бошқарув буюртма ижросини назорат қилиб боради. Биз буюртмачиларимизға умумий йиғилишларда ҳисобот бериб борамиз.

БК хизматидан баҳраманд бўлаётган ширкат учун яна бир манфаатли жиҳат бор. Бир уйдан ташкил топган ХУМШ пухта моддий-техника базасини шакллантиришға қодир эмас, боз устиға у малакали мутахассислар ва пудратчиларни ҳам истаган вақтида жалб эта олади деб бўлмайди. Бундай ширкат тежамкорликка эришиш мақсадида ишларни бажартиришға тасодифий одамларни ёллади, аммо улар иш ижроси учун жавобгар бўла олмайди. БКда эса тарафларнинг масъулияти ва жавобгарлиги шартномада белгилаб қўйилади.

Кенг доирадаги буюртмачиларға кўрсатаётган хизматларимиз уларға бирмунча арзонға тушади. Бизда сантехникнинг 1 соатлик иши 10 000 сўм, бухгалтерники 12 000 сўм, электрик ва фаррошники 7 000 сўмдан. Бир уйдан ташкил топган ХУМШда улар кунига 0,5-2 соат, бир ойда 2-6 тўлиқ иш куни ишлайдилар, БКда эса иш куни мобайнида тўлиқ банд бўладилар. Барча буюртмачиларға хизмат кўрсатадилар ва маошни ҳам шунға яраша, муносиб тарзда оладилар. Ишлари ҳам муттасил назорат қилиб борилади.

БКлар керакли асбоб-ускуналар билан тўла жиҳозланганлиги ҳам ХУМШ маблағлари тежалишини таъминлайди. Масалан, бир уйдан ташкил топган ширкатларда иссиқ сув таъминоти тизимларини ювиб тозалаш учун компрессор йўқ. Компрессор ижараси уларға 1 соат учун 80 минг сўмға тушади. Бизда бундай тизимни ювишнинг ҳар соати 45 минг сўмни ташкил этади. Ёки чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш муаммосини олайлик. БК бу иш юзасидан «Омад сервис» МЧЖ билан шартнома тузган. Ҳафтада бир марта 6 тонналик юк машинасиға буюртма берамиз ва барча ХУМШларимизға туташ худудлардан супуриндилар олиб чиқиб кетилишини таъминлаймиз. Бу ишға 114 минг сўм тўлаймиз. Агар ширкатлар бу хизматларға ўзлари буюртма берганларида борми, 3-3,5 марта кўпроқ ҳақ тўлашға мажбур бўлардилар.

Бошқарув жўяли бўлгани учун ҳам ширкатларимиз маблағ етишмайди деб шикоят қилмадилар. Бу йил улар электр энергияси бўйича ҳам яхшигина тежамкорликка эришдилар. Режалаштирилган харажатларнинг 10-15 фоизи тежаб

қолинди. Бу энергияни тежовчи лампочкалар ишлатилганлиги шарофатидир. Болаларнинг лифтда сайр қилиб ўйнаши камайди, йўлакларға домофонли эшиклар ўрнатилди. Ҳозир уйларда катта, асосий ишлар қилиб бўлинди, энди уларға жорий хизмат кўрсатиш билан машғулмиз. Металл эшиклар, шишапакетлар ўрнатмоқдамиз, одамларнинг ўзи йўлакларни таъмирлайдиган бўлишди. Келаси йил учун мажбурий бадаллар миқдорини оширмоқчи эмасмиз. Эътиборли жиҳати бадаллар миқдори, маблағларнинг сарфланиши юзасидан аҳоли билан бошқарувчи компаниямиз ўртасида низо ва келишмовчиликлар йўқ. Ҳамма иш очиқ-ошқора, буюртмачилар манфаатларини кўзлаган ҳолда олиб борилаётгани учун ҳам шундай бўлмоқда. ○

# ХУМШ + БК = МУВАФФАҚИЯТ

## ПРОФЕССИОНАЛ БОШҚАРУВНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ:

- Бошқарувчи компания (БК)да кўп квартирали уйда бошқариш, хизмат кўрсатиш, умумий мол-мулкни таъмирлаш тажрибасига эга малакали мутахассисларнинг борлиги.
- Пудрат ташкилотлари ахборот базасининг мавжудлиги махсус ишларни бажариш учун фойдали нарх бўйича ишончли, малакали пудратчиларни жалб этиш имкониятини беради.
- Мақбул моддий-техник базаси.
- БК ходимларининг малакасини уларни ўқитиш, семинарларда, тажриба алмашиш бўйича сафарларда ва ҳоказоларда иштирок эттириш йўли билан ошириш имконияти.
- Замонавий материаллар, технологиялар, ускуналарни қўллаш.
- Хизматларнинг яхши сифати.
- Авария ҳолатларини авария хизмати томонидан тезкор тугатиш имконияти.
- Умумий мол-мулкка хизмат кўрсатиш ва уни таъмирлашда сифат кафолати.
- Хизмат кўрсатиш шартномасида мустаҳкамланган буюртмачи олдидаги жавобгарлик.
- Ширкатлар бозор муносабатларининг субъектига айланиб, БК билан хизмат кўрсатиш шартномасини тузадилар, унинг бажарилишини назорат қиладилар.
- Уй-жой хизматлари бозоридаги рақобат буюртмачи-ХУМШларга БКни танлов асосида танлаш ҳамда нархи ва сифати бўйича энг фойдали таклифларни олиш имкониятини беради.
- БК бозор муносабатларини ривожлантиришга, катта ширкатларни улар хизматларининг асосий буюртмачилари бўлган кичик ва бир уйдан иборат ширкатларга бўлишга имкон беради.
- БК фаолиятининг очиқ-ошкорлиги. У шартноманинг бажарилиши тўғрисида ХУМШ аъзоларининг умумий йиғилишида ҳисобот беради, ҳисоботларни бошқарувчига, аҳолига тақдим этади, сўровлар ўтказиб, ўз иши тўғрисида мулкдорларнинг фикрларини ўрганайди.
- Ширкат аъзоларининг хабардорлиги БК ва ХУМШ аъзоларининг шартноманинг амал қилиш даврида ўзаро ҳамкорлигига имкон яратади. Ўз маблағларининг қандай сарфланаётганлигини кўрган аҳоли БКга ишонч билдиради.
- Ширкат аъзоларининг пуллари ХУМШнинг ҳисобрақамида туради. Хизматларга ҳақ тўлаш фақат бажарилган ишлар далолатномалари бўйича шартнома шартлари лозим даражада бажарилгандагина амалга оширилади.
- БКнинг рақобат шароитида ишлаши хизматлар қийматини пасайтириш ва улар сифатини оширишга имкон беради.
- БК мутахассислари томонидан бажариладиган малакали бошқариш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлашда ширкатнинг уйни сақлаш харажатлари камаяди. Мулкдорлар маблағларини сарфлашнинг самарадорлиги ошади.
- Буюртмачиларнинг кенг доирасига кўрсатиладиган хизмат уларнинг ҳар бирига арзонроққа тушади.
- Миқдорнинг манфаатларига йўналтирилиш. Хизматлар пакетини буюртмачи-ХУМШларнинг эҳтиёжларидан келиб чиқиб кенгайтириш имконияти.
- Харажатларни мақбуллаштириш. Барча хизматларга доир калькуляция ширкатга хизматларнинг ҳам айрим турларини, ҳам тўлиқ пакетини танлаш ва буюртириш имкониятини беради.
- Кўп квартирали уйни профессионал бошқариш ва унга хизмат кўрсатиш чоғида БК кўп квартирали уй сифатини яхшилаш, унинг энергия самарадорлигини ошириш тадбирларини бошлаб беради. ☉



## Ахборот-коммуникация технологиялари

# Е-KOMMUNAL.UZ: ҚУЛАЙ ВА ИШОНЧЛИ

*Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида ахборот соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳага жорий этиш имконини бермоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 27 июндаги тегишли қарори билан тасдиқланган 2013-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастури қабул қилиниши мамлакатимиз ахборот ресурслари, тизим ва тармоқларини жадал юксалтиришга хизмат қилаётир. Буни коммунал хўжалик ва уй-жой фондининг e-kommunal.uz портали мисолида ҳам кўриш мумкин.*

*ЎЗА мухбири «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази директори Иброҳим ЖУРАЕВ билан мазкур порталда қандай имкониятлар яратилгани ҳақида суҳбатлашди.*


– Коммунал хўжалик ва уй-жой фондининг e-kommunal.uz портали Президентимизнинг 2012 йил 21 мартда қабул қилинган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш доирасида яратилди. Порталнинг асосий вазифаси

ҳокимиятларнинг ўзаро, аҳолининг уй-жой-коммунал соҳа ва коммунал хизмат вакиллари, шунингдек, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг соҳанинг юқори ташкилотлари билан ҳамкорлигини янада такомиллаштиришдир. Мақсадимиз – интерфаол ва ахборот хизмати кўрсатиш орқали коммунал хизматнинг аҳоли, тадбиркорлик

субъектлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиши учун ягона ахборот маконини ташкил этиш, коммунал хизматлар фаолиятида ошкораликни таъминлашдан иборат. Портал ёрдамида истеъмолчиларга интерфаол хизматлар кўрсатиш мақсадида коммунал хизмат ва хусусий уй-жой мулкдорлари



*Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.*



**ширкатлари фаолияти автоматлаштирилмоқда.**

**– Порталда қандай имкониятлар яратилган?**

– Портал коммунал соҳага оид кўплаб ахборот хизматларини тақдим этади. Бу ерда янгиликлар, бажарилаётган таъмирлаш ишлари ҳақида ахборот, коммунал хизмат кўрсатиш жадвали, соҳага доир масалаларни тартибга соладиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан танишиш, коммунал хизмат телефон рақамларини олиш мумкин. Портал ёрдамида истеъмолчилар ўзининг жорий ҳисобрақами ҳақида билиши, «SMS-to'lov» электрон тизими орқали кўрсатилган хизматлар учун пул тўлаши, тегишли давлат органларига мурожаат қилиши мумкин.

Мурожаатларни тақдим этиш тартиби жуда оддий. Фойдаланувчи бунинг учун ID.UZ идентификация тизимида ўзининг ҳисобга олиш ҳужжатини тасдиқлаши, тайёр мурожаат формасини тўлдириши, зарур ҳолларда эса унга қўшимча файлларни қўшиши керак. Сўнгра фойдаланувчи томонидан танланган соҳа ва тоифага қараб, тизим унинг мурожаатини тегишли давлат органига жўнатади.

Мурожаат модулига барча ҳокимликлар, Тошкент шаҳридаги коммунал хизматлар, коммунал соҳани назорат қилувчи органлар уланган. 2002 йил 13 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш муддати улар тақдим этилган пайдан бошлаб, 30 кунни ташкил қилади. Бироқ, амалиёт шуни кўрсатадики, интернет технологияларининг жорий этилиши мурожаатларни кўриб чиқиш муддатини 5 иш кунига қисқартириш имконини беради. Портал ишга тушганидан буён фойдаланувчилар томонидан мингдан зиёд мурожаат келди. Ижрочилар уларнинг саккиз юздан ортиғига жавоб қайтарди.

**– Портал фойдаланишга топширилгандан сўнг қандайдир қийинчиликлар юзага келмадими?**

– Дастлаб мурожаатлар устида ишлаш муддатлари ўтган ҳолатлар кузатилди. Аммо, кейинчалик мурожаатларни мониторинг қилиш модулини ишлаб чиқдик. Шу боис масъул давлат органлари кўриб чиқиш муддати кечиктирилаётган мурожаатларни кузатиб, бундай камчиликларни бартараф этишга доир шошилиш чоралар кўрмоқда.

Коммунал соҳанинг ҳар бир тегишли давлат органи ва идорасида фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш тартиби ҳақида низомлар ишлаб чиқилиб, тасдиқланган. Портал орқали юборилган мурожаатлар ҳам қоғоздаги мурожаатлар каби бир хил юридик кучга эгадир.



Бундан ташқари, айрим коммунал хизматлар ва тегишли давлат органлари вакиллари портал ишга тушгандан кейин баъзи мурожаатларни истеъмолчи билан боғланиш учун маълумот ва ҳатто унинг уй рақами кўрсатилмагани боис тезкор тартибда кўриб чиқа олмади. Шундан сўнг мурожаатлар модули қайта кўриб чиқилди ва ўзгартирилди. Энди мурожаатда тўлдирилиши шарт бўлган ва фойдаланувчи ҳақидаги зарур маълумотларни ўз ичига олган алоҳида жой ажратилди. Агар фойдаланувчи ўзи ҳақидаги маълумотларни қайд этмаса, мурожаатини жўната олмайди.

Шу билан бирга, дастлабки пайтларда ижрочилар саволни кўриб чиқмасдан туриб, жавоб қайтарган ҳолатлар ҳам учради. Шундан сўнг фуқаролар ўз мурожаатларини кўриб чиқишдан қониқиш ҳосил қилгани ёки қилмаганини таҳлил этиш модулини ишлаб чиқдик. Энди фойдаланувчи ижрочиларнинг жавобларини ҳам баҳолаши мумкин. Агар фуқаро берилган жавобдан қониқса, тизим мурожаатни тўлиқ бажарилган деб ёпади. **Фойдаланувчининг яна айрим саволлари бўлса ёки жавобдан қониқмаса, у бунинг сабабини ёзиб, мурожаатни қайта жўнатиши мумкин. Бунда тизим автоматик равишда мурожаатни такрорий сифатида қабул қилади ва юқори органларга юборади.**

**– Портални яратишда қандай технологиялар қўлланилди ва келажакда унга қандай ўзгартишлар киритиш режалаштирилмоқда?**

– Портални яратишда ўз технологик ечимларимиздан фойдаландик. «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази улардан ўз фаолияти доирасида 10 йилдан кўпроқ вақтдан буён фойдаланиб келмоқда. Портални ривожлантиришга оид режаларимиз кўп. Масалан, яқин вақтларда фойдаланиш қулай бўлиши учун уни модернизация қилиш, дизайнини янги-

лаш, автоматлаштирилган жараёнларни оптималлаштириш, уй-жой хўжалиги соҳасида қўшимча хизматлар ишлаб чиқиш, коммунал хизматларнинг барча биллинг тизимлари ва марказий маълумотхоналарини маълумотлар базасига интеграциялаштириш, ХУМШ шахсий кабинетини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Бундан ташқари, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, ҳокимликлар, коммунал хизмат ва тегишли давлат органлари билан портал фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича яқин ҳамкорлик қилинмоқда.

**– Марказ томонидан коммунал хўжалик соҳасига оид янги лойиҳалар ҳам ишлаб чиқилаяптими?**

– Уй-жой хўжалиги соҳасида фаолият кўрсатаётган давлат органлари фаолиятини автоматлаштириш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда, турли лойиҳалар, хусусан, «Yordam» мобил илова лойиҳаси ҳаётга татбиқ этилаётир. Унинг ёрдамида фойдаланувчи ўз мурожаатини мобил телефон орқали давлат органига юбориши мумкин. Амалиёт мазкур лойиҳа самарали эканини исботлади.

Шунингдек, марказ ҳокимликлар билан ҳам яқин ҳамкорлик ўрнатган. Улар учун уй-жой хўжалиги соҳасини мониторинг ва таҳлил қилиш бўйича ахборот тизимлари ишлаб чиқилмоқда. Коммунал хизматлар билан биллинг тизимлар ишлаб чиқиш ва жорий қилиш ишлари йўлга қўйилган, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш учун электрон тўловлар тизими интеграциялаштирилмоқда. Лойиҳалар кўп. Аммо битта портал ёрдамида ҳамма нарсани автоматлаштириб бўлмайди. Шу боис уй-жой-коммунал хўжалигини ривожлантириш ва автоматлаштириш соҳасида тегишли барча хизматлар билан биргаликда ишламоқдамиз. ☉

**ЎЗА мухбири  
Роман БОНДАРЧУК  
суҳбатлашди.**

**Маэзуевий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.**



Бизга мактуб йўллабсиз...

## ШИРКАТ ХУСУСИЙ ДҶУКОН ЭМАС!

*Мен пенсиямни банкдан олишим билан ўша ерда коммунал хизматлар ҳақини тўлайман. Менга ҳам, бошқа пенсионерлар каби, бу жуда қулай – ҳеч қаерга боришнинг кераги йўқ. Бироқ кассада қайд этилган коммунал хизматлар ва тарифлар рўйхатида уйдаги умумий мол-мулкни сақлаш учун бадаллар кўрсатилмаган. Шахсан мен ХУМШ раҳбариятига ишонмайман ва улар қўлига тўлашни хоҳламайман, чунки ширкат раиси гўё унинг хусусий дўконидек уйга хизмат кўрсатиш нархларини ўзи белгилайди. Марҳамат қилиб тушунтириб берсангиз, нима учун банк кассасида кўп квартиралли уйда умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадалларни тўлаш тарифлари мавжуд эмас?*

Н.Плющенко.  
Тошкент шаҳри.

– Аввал биз нима учун ҳақ тўлаётганимизни билиб олайлик. **Коммунал хизматлар** – совуқ ва иссиқ сув таъминоти, сув чиқариш (канализация), электр таъминоти, газ таъминоти ва иситиш хизматлари тақдим этилишидир. Электр энергияси ва газ учун тарифларни республика Молия вазирлиги, иссиқ ва совуқ сув, канализация, иситиш учун тарифларни Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ҳокимликлари молия бошқармалари ва Тошкент шаҳар Молия бош бошқармаси белгилайди.

Ширкат аъзолари кўп квартиралли уйда **умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадалларни** киритадилар. Умумий мол-мулк квартирамиз ташқарисидаги нарсалардир. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг (12.04.2006 йилдаги ЎРҚ-32-сон, бундан кейин – Қонун) 28-моддасига кўра унга қуйидагилар киради: кўп квартиралли уйнинг умумий жойлари (холлар, коляскаҳоналар, ахлат камералари ва ҳоказолар); таянч ва тўсиқ конструкциялар (деворлар, тўсиқлар, балконлар, лоджиялар, пештоқларнинг ойналаштириш конструкциялари); квартиралар оралиғидаги ихоталанган (ўралма) пиллапоярлар; зинапоярлар (йўлакдаги, бинога ташқаридан кириш зинапоярлари); лифтлар; лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар (масалан, вентиляция учун); даҳлизлар; техник қаватлар; ертўлалар; чердаклар ва томлар; уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари; жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ квартирага хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва қурилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва қурилмалар.

Ширкат уйда жой мулкдорларининг биргаликдаги саъй-ҳаракатлари билан умумий мол-мулкни сақлаш учун ташкил этилади. Қонуннинг 30-моддасида уларнинг умумий мол-мулкни сақлаш бўйича харажатларни биргаликда зиммаларига олишлари мажбурияти белгиланган. Улар ХУМШ аъзоларининг мажбурий бадаллари билан қопланиши керак,


уларнинг миқдорини умумий йиғилиш белгилайди. Бадал миқдори уй учун зарур ишларни бажаришга даромад ва харажатлар сметасида режалаштирилган харажатларга мувофиқ келиши керак. Агар ширкат аъзолари уйда том, ертўла, уй ичи тизимларини таъмирлашни хоҳлашса, бадал юқори бўлади, чунки бу жуда серчиқим ишлардир. Агар уйнинг аҳволи яхши бўлса ва барча қимматга тушувчи ишлар қилинган бўлса, бадал миқдорини умумий йиғилишнинг қарори билан камайтириш ёки бир муддат оширмаслик мумкин.

Қандай бўлмасин, уй учун нима қилиш кераклигини, бунинг учун қанча маблағлар зарурлиги ва мажбурий бадалнинг миқдори қанча бўлишини ҳал этиш – ХУМШ аъзолари умумий йиғилишининг хос ҳуқуқи. Агар уйда яшовчилар буни қилишмаса ва ўз уйларидаги ишларга аралашимаса, улар учун барча масалаларни раис ҳал қилади. Уй эгалари эса норози бўлиш ва талаб қилишдан нарига ўтмайдилар.

ХУМШ – газетхонимиз ёзганидек раиснинг **хусусий** дўкони эмас, балки хусусий жой мулкдорларининг ғамхўрлиги, кўп квартиралли уйдаги турар жойга нисбатан мулк ҳуқуқига эга бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигидир (Қонуннинг 5-моддаси).

Кўп квартиралли уйларимизнинг техник ҳолати турлича. Бир уй таъмирланган, бошқаси эса кўп харажат талаб этади. Айти шу сабабли умумий мол-мулкни сақлаш бадаллари бир хил бўлмаслиги мумкин. Бир уйда улар юқори бўлса, бошқасида – паст. Уларни миқдори қатъий белгиланган, ҳеч бўлмаганда навбатдаги оширишгача барча учун мажбурий коммунал хизматлар тўловлари билан солиштириб бўлмайди. Шу боис коммунал хизматлар тарифлари тўғрисидаги ахборот истеъмолчиларга улар учун ҳақ тўланадиган банк кассаларида кўрсатилади.

Президентнинг «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-



китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори (11.02.2005 йилдаги ПҚ-5-сон) билан ширкатлар ва коммунал хизматлар кўрсатиш корхоналарига улар томонидан кўрсатилган уй-жой-коммунал хизматлар, шу жумладан умумий мол-мулкни сақлашга мажбурий бадалларни киритиш учун аҳолидан нақд пул маблағларини мустақил йиғиш тақиқланган. Ширкат яқин орадаги банк билан шартнома тузади, унда ХУМШ аъзолари умумий мол-мулкни сақлаш бадалларини касса орқали тўлайдилар. Ушбу банк қаерда жойлашганлигини ўз ХУМШингизда билиб олишингиз мумкин. Бухгалтер сизга тўлов учун квитанцияни тўлдириши керак. Баъзи ХУМШларда аҳолига қулай бўлиши учун бухгалтер банк кассири сифатида расмийлаштирилади. Шунда у ХУМШ аъзоларидан бадал қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Мажбурий бадалларни нақд пул билан ширкатда тўлаш ҳуқуқ доирасида бораётганлигига ишонч ҳосил қилиш учун бухгалтердан, агар у расмийлаштирилган бўлса, банк гувоҳномасини талаб қилишингиз мумкин. Ёдда тутинг, бундай ҳолда мажбурий бадалларни тўлаш чоғида сизга белгиланган намунада банк квитанциясини беришлари керак. ○

Мавзувий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

# ҚАНДАЙ ҚИЛИБ НУРАГАН ЭМАС, НУРЛАНГАН КВАРТИРАНИ СОТИБ ОЛИШ МУМКИН?..

*Катта ўғлим уйланди ва биз ёш оилага шаҳарнинг бошқа туманида алоҳида квартира олиб беришга қарор қилдик. Шинамгина икки хонали квартиранинг эгаси бизга уйини намойиш қилди, биз закат бериб, ҳамма ишни нотариусда тезда расмийлаштирдик. Кўчиб келганимизда не кўз билан кўрайликки, ноҳалол квартира эгаси йўлак, ошхона ва ваннахонадан деворга қурилган барча мебелни «суғуриб» олибди. Нима қила оламиз?*

Р.Сибгатуллина.  
Тошкент шаҳри.

– Афсуски, энди бу нарса сизга ҳам, бошқаларга ҳам сабоқ бўлади.

Жуда кўп ҳолларда квартира хариди вақтида сотувчилар улар закат сифатида квартира учун муайян суммани олганликлари тўғрисида тилхат ёзадилар. Бироқ квартиранинг умумий қиймати, улар кўчмас мулк олди-сотдиси шартномаси ва уни нотариал тасдиқлаш санаси сингари муҳим шартларни кўрсатмайдилар. Биз эса, юқорида саналганлардан ташқари, закат тўғрисидаги битимда, масалан, битимни нотариал тасдиқлаш харажатларига тааллуқли масалаларни ҳам кўрсатишни маслаҳат берамиз. Шунингдек унда сотувчининг квартирани бошқа шахсга сотиш учун зарур ҳужжатлар пакетини муайян муддатда йиғиш ва нотариал идорага квартира мулкдорлари ва унда прописка қилинган бошқа вояга етган шахслар барчасини ҳамма зарур ҳужжатлар билан ҳозир бўлишни таъминлаш бўйича мажбуриятларни ҳам келтириш лозим. Унда харидорга «коммунал дафтарчалар» ва квартира калитларини бериш, пропискадан ўчиш ва квартирани ҳақиқатда бўшатиш (мебель ва бошқа ашёларни олиб чиқиш) вақти масалаларини акс эттириш мумкин. Битимда харидорнинг квартира қиймати қолган қисмини қандай муддатларда тўлаш мажбуриятини албатта акс эттириш керак.

Ва, албатта, харидор квартира мулкдорларидан ёки унда

прописка қилинган кишиларнинг бирортаси руҳий неврологик ёки наркологик диспансерда ҳисобда туриш-турмаслиги ёки ҳомий ёхуд васийликда эканлиги; квартира гаровга қўйилган-қўйилмаганлиги; у низолашилаётганлиги ёки таққ остидалигига (банд солинганлиги); қонуний расмийлаштиришсиз конструкцияси қайта режалаштирилганлиги ёки ўзгартирилганлиги; мазкур манзил бўйича пропискага рухсат берилган-берилмаганлиги ва ҳоказо масалалар билан қизиқиши керак. Квартирада қандай ашёлар қолишига ҳам эътибор қаратиш муҳим. Харидни расмийлаштириб, пулни бериб ва калитларни олгач, харидор квартирага кирганда, масалан, турар жойни кўраётганда мавжуд бўлган янги газ плитаси ўрнига эскисини кўрган ҳоллар бўлган. Шу сабабли тарафларнинг битими бўйича квартирада қоладиган барча ашёларни олдиндан суратга олган маъқул. Ва, албатта, сотувчи билан ушбу масалаларни келишиб олиш керак. Айниқса мебелни бор квартира харид қилинаётганда музокара ва расмийлаштириш жараёнларида сизга кўрсатилган импорт гарнитури ўрнида «қоқсуяк тоқча» пайдо бўлиб қолмаслигига ҳушёр бўлинг.

Тарафлар масалаларни қанчалик кўп ҳал этиб олишса, кейин даъво-эътирозлар шунча кам бўлади. ☉

Ленара ХИКМАТОВА,  
юрист.



## Фойдали маслаҳатлар

### КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАРДА ТЕЖАШНИНГ 21 УСУЛИ

1. Чироқни ўчиришни унутманг.
2. Энергия тежовчи лампочка ва жиҳозлардан фойдаланинг.
3. Кириш эшигини совуқ ўтказмайдиган қилинг. Эшикнинг ўзи ва эшик ўрни ўртасидаги тирқишларни йўқотинг. Бу эса хонадаги ҳароратни 2–3°Cга кўтариш имконини беради.
4. Батареяларга терморегуляторлар ўрнатинг.
5. Хоналарни иситиш учун электр ва газ плиталаридан фойдаланманг – бу кам самарали ва хавфлидир.
6. Ёритиш учун люминесцент лампалардан фойдаланинг. Улар электрни чўғланма лампаларга қараганда 4–5 баравар кам ишлатади. Ёки индивидуал чироқ регуляторлари (диммерлар) бўлган чўғланма лампалардан фойдаланинг.
7. Имкони борича табиий ёритишдан фойдаланинг.
8. Совуткични иситиш ва қизитиш қурилмаларидан узоқроққа ўрнатинг. Унинг корпусига қуёш нурлари тушишига йўл қўйманг.
9. Совуткичнинг орқа девори билан уй девори ўртасида доимо 5–10 см оралиқ қолдиришни унутманг.
10. Электр асбобларни харид қилаётганда

уларнинг энергия самарадорлиги даражасига эътибор беринг. «А» даражасидаги электр асбоблар энг кўп тежамкор ҳисобланади.

11. Иситиш асбобларини тўсиб қўйманг, илиқ ҳавонинг хонани иситишига халақит берманг.

12. Кечкурун пардаларни ёпинг. Бу ҳол иссиқликнинг чиқиб кетиши олдини олади.

13. Хонани қисқа вақт, бироқ тез-тез шамоллатиб туринг. Доимо очик турадиган форточка ва деразалар кўчани «иситади» ва пулларингизни совуради. «Шиддатли» шамоллатишдан фойдаланиб, деразаларни қисқа вақтга кенг очиб қўйинг. Бунда ҳаво алмашилишига улгуради, бироқ хонани совутишга улгурмайди.

14. Батарея ортига иссиқликни акс эттириш экранини ўрнатинг. У махсус материал – пенофол (бир томонлама зарлаштириш билан кўпиклаштирилган асос) ёки оддий зарқоғоз бўлиши мумкин. Бу эса хонадаги ҳароратни камида 1°Cга кўтариш имконини беради.

15. Батареяларни тўқ ранга бўянг – силлиқ тўқ рангли юза иссиқликни 5–10%га кўпроқ нур чиқаради.

16. Бино атрофида дарахтлар ўтқа-

зинг – улар хона ичидаги иссиқликни сақлаб қолишга имкон беради.

17. Ричагли аралаштиргичларни афзал кўринг. Улар сувни икки жўмракли аралаштиргичларга қараганда тезроқ аралаштиради, демак сув мақбул ҳарорат танланганда камроқ «беҳуда» сарфланади.

18. Жўмракларга пуркагич учликлар ўрнатинг. Бу эса сув истеъмолини қисқартиришда ёрдам беради.

19. Ваннада чўмилишда сарфланадиган ҳажм билан таққослаганда душ сув истеъмолини 5–7 баравар камайтиради. Агар душда тешиклари камроқ диаметрда бўладиган тежамли таратгичдан фойдаланилса, сув ҳам камроқ сарфланади.

20. Тежамли сантехникани, масалан сув тушириши икки режимли унитазни харид қилинг.

21. Агар унитазнинг сув тушириш бачоги сув туширишнинг икки режими билан жиҳозланмаган бўлса, оддий восита сувни йўқотишга йўл қўймасликда ёрдам беради. 2 литрли пластик идишни сув билан тўлдириш ва бачокка жойлаштиринг. Ушбу оддий «қурилма» кунига 20 литргача сувни тежаш имконини беради. ☉

Интернет тармоғи  
материалларидан.

Мавзுவий сонни Ирина ГРЕБЕНЮК олиб боради.

1-бетда **ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ**

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИГА  
ОИД ҲУЖЖАТЛАРГА КИРИТИЛГАН  
ЎЗГАРТИРИШЛАР**

Вазирлар Маҳкамасининг 1.11.2013 йилдаги «Ўзбекэнерго» ДАК фаолиятини такомиллаштириш ва истеъмол қилинаётган электр энергияси учун ҳисоб-китоблар интизомини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 295-сон қарори билан электр энергияси реализациясини такомиллаштириш ва тўлов интизомига риоя этилиши бўйича чора-тадбирлар назарда тутилган.

Халқаро молиявий институтларнинг молиявий кўмагида 2012–2017 йилларда юридик ва жисмоний шахсларга электр энергиясини ҳисобга олишнинг замонавий электрон приборларини ўрнатган ҳолда Электр энергияси истеъмолини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизими (кейинги ўринларда – ЭИХНАТ) жорий этилади, унга кўра: истеъмолчилар — юридик ва жисмоний шахслардаги электр энергиясини ҳисобга олишнинг мавжуд приборларини алмаштириш ва замонавий электрон приборларни ва аппарат комплексларини ўрнатиш «Ўзбекэнерго» ДАКнинг ўз маблағлари ва жалб этилган маблағлари ҳисобига амалга оширилади;

юридик шахсларнинг белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган мавжуд ўлчов трансформаторларини алмаштириш ва модернизациялаш уларнинг ўз маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

«Ўзбекэнерго» ДАК, электр энергиясини сотиш ва тўлов интизомига риоя этиш масалалари учун масъул бўлган таркибий бўлинмалар, шунингдек ташкилотлар — электр энергияси истеъмолчилари раҳбарлари зиммасига электр таъминоти шартномаларининг ўз вақтида тузилиши, электр энергияси учун белгиланган муддатларда ҳисоб-китоб қилиниши, муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларининг пайдо бўлишига йўл қўйилмаслиги юзасидан шахсий масъулият юкланади.

«Ўзбекэнерго» компаниясига 1 ой муддатда истеъмолчилардан қарзларнинг ундирилишини таъминлаш бўйича гуруҳлар ҳамда руҳсатсиз электр энергияси олиш ва электр тармоқларига улашни ҳолларини аниқлаш учун техник гуруҳлар ташкил этиш топширилди.

«Ўзбекэнерго» ДАК хизмат кўрсатувчи тижорат банклари ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ билан биргаликда ташкилотлар ва аҳолидан электр энергияси учун тўлов ҳисобига тушадиган пул маблағларининг реал вақт режимида ҳисобга олинишини таъминлайдиган дастурий таъминоти ва зарур техник воситаларни 2013 йил 1 декабрдан бўлган муддатда жорий этиши лозим.

Ҳужжат билан Ҳукуматнинг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

● **Моддий-техника ресурслари стратегик турларини сотишнинг махсус тартиби тўғрисида низомга (ВМнинг 5.02.2004 йилдаги 57-сон қарори билан тасдиқланган)** киритилган ўзгартиришларга мувофиқ электр энергиясини истеъмолчиларнинг барча тоифаларига (аҳолидан ташқари) ҳар ойда етказиб бериш улар томонидан электр таъминоти шартномасига мувофиқ навбатдаги ой учун назарда тутилган электр энергияси ҳажми қийматининг камида 50 фоизи учун ҳақ аванс тариқасида тўлангандан кейин амалга оширилади (илгари бу тўлов камида 30 фоизни ташкил қиларди).

Аванс тариқасида тўланган маблағлар қарздорликни қоплаш учун йўналтириладиган ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайдиган ҳолатлар рўйхатига тузатишлар кири-


тилди. Бундай ҳолатлар бўлиб истеъмолчида электр энергияси (кувват) учун ҳақ тўлаш бўйича, жарима санкциялари, реактив энергия ва қувватларни қоплаш учун тарифларга устамалар, ноқонуний фойдаланилган электр энергияси ва пенялар бўйича қарздорлик мавжуд бўлгандаги ҳолатлар ҳисобланади (илгари аванс тўловлари электр энергияси бўйича қарздорликнигина сўндиришга йўналтирилар эди).

● **Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (1.11.2004 йилдаги 511-сон)** ҳам шунга ўхшаш ўзгартиришлар киритилди. Хусусан, улар томонидан электр таъминоти шартномалари тузмаган ва шартномада назарда тутилган мажбурий тўловни олдиндан тўламаган юридик шахсларга электр энергияси етказиб берилиши тақиқланади. Илгаригидек, электр таъминоти шартномасида буюртма берилган электр энергияси ҳажми истеъмолчининг айби билан истеъмол қилинмаган тақдирда аванс тариқасида тўланган маблағлар қайтарилмайди, лекин электр энергияси учун кейинги ҳисоб-китобларда ҳисобга олинади.

● **Вазирлар Маҳкамасининг «Электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (5.06.2009 йилдаги 150-сон)** ўзгартиришларга мувофиқ электр энергиясини ҳисобга олишнинг электрон приборлари ва аппарат комплексларини ўрнатмаган истеъмолчиларга – хўжалик юритувчи субъектларга электр энергияси етказиб бериш муддати 2019 йил 1 январгача узайтирилди.

● **Электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларига (ВМнинг 22.08.2009 йилдаги 245-сон қарори билан тасдиқланган)** катта ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилди.

Юридик шахслар билан электр энергияси учун ҳисоб-китоблар. Қўшимчаларга мувофиқ истеъмолчи томонидан ҳудудий электр тармоқлари корхонасига (ХЭТК) чопар



орқали ёки факсимиль алоқа ёхуд электрон почта алоқаси орқали тақдим этилган электр энергияси ва қуввати сарфи тўғрисидаги ҳисобот ҳам истеъмол қилинган электр энергияси ва қувватининг амалдаги ҳажминини аниқлаш учун асос бўлади (илгари бунинг учун ХЭТК истеъмолчилар билан биргаликда истеъмолчиларнинг ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ҳар ойда олишлари лозим бўлган. Мазкур услуб долзарблигича қолди). Кўрсаткичларни олиш ишлари бир ойда бир марта ёки истеъмолчининг буюртмаси бўйича амалга оширилиши керак.

Энди электр энергияси истеъмолчилари (аҳолидан ташқари) 1 сентябрдан чораклар бўйича бўлиб ишлаган ҳолда келгуси йилга электр энергияси истеъмолининг прогностлаштирилаётган миқдори тўғрисида ХЭТКга ёки истеъмолчининг электр қурилмалари электр тармоқларига уланган унинг бўлинмасига буюртманомга беришлари керак.

Электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари ҳамда электр энергияси ва қувватини ҳисобга олишнинг бошқа воситалари ХЭТКнинг маблағлари ҳисобига сотиб олинади, давлат қиёслашидан ўтказилади, рўйхатдан ўтказилади, пломбланади ва ўрнатилади (илгари бу таомиллар истеъмолчилар ҳисобидан амалга оширилар эди). Ҳисобга олишни назорат қилиш приборларининг, шу жумладан уларга ўрнатилган пломбаларнинг сақланиши ва бутунлиги учун жавобгарлик кўрсатиб ўтилган ҳисобга олиш приборлари биносидан ўрнатилган ташкилотга юкланади.

ЭИХНАТнинг ўлчов трансформаторлари, иккиламчи ҳалқалари ва алоқа линияларининг сақланиши ва техник ҳолати учун электр қурилмаси балансида бўлган ташкилот жавоб беради.

Агар электр энергиясидан маиший истеъмол учун фойдаланувчи истеъмолчи жисмоний шахс бўлса, электр тармоқларининг ва электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш приборларининг зарур техник ҳолатини ва хавфсизлигини таъминлаш мажбурияти ХЭТКга юкланади, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

Ҳисобга олишни назорат қилиш приборлари ва ўлчов трансформаторларини бирламчи қиёслашдан ўтказиш улар ўрнатилгунга қадар ХЭТК маблағлари ҳисобига «Ўзстандарт» агентлиги томонидан, «Ўзстандарт» белгилаган муддатлардаги даврий қиёслашлар эса истеъмолчи ҳисобидан амалга оширилади.

ХЭТК вакилининг электр энергиясини ҳисобга олиш приборларига қўйилмаслиги ҳолатида далолатнома расмий-



лаштирилади, у ХЭТК вакиллари, истеъмолчи ёки ўзга жалб этилган шахслар томонидан имзоланади. Ўзга жалб этилган шахслар бўлмаганда ва истеъмолчи имзолашни рад этганда далолатномага истеъмолчи танишганлиги тўғрисида белги қўйилади ва электр тармоқларидан узиб қўйилади.

Ҳисобга олишни назорат қилиш приборлари уларнинг ўлчов трансформаторларини бошқа жойга ўрнатиш ва алмаштириш ишлари ХЭТК руҳсати билангина эмас, илгари назарда тутилганидек, истеъмолчиларга кўрсатадиган хизматларига ҳақ тўланиши билан корхона томонидан амалга оширилади. Ҳисобга олишни назорат қилиш приборларини ўлчов трансформаторларини ўзбошимчалик билан бошқа жойга ўрнатиш ва (ёки) алмаштириш ҳолатлари аниқланган тақдирда ХЭТК истеъмолчининг электр тармоғидан узиб қўяди ва қайта ҳисоб-китоб қилади.

Киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар билан электр энергияси ҳисобини юритиш ва ўз вақтида унга ҳақ тўлаш бўйича истеъмолчиларнинг масъулияти оширилди ва мажбурияти кенгайтирилди.

Энди истеъмолчи эгаллаб турган биносидан уни бериш, сотиш ёки бошқа сабабларга кўра қўчиб кетган тақдирда, у бу ҳақда ХЭТКни ёзма шаклда хабардор қилиши ҳамда электр энергияси учун қўчиб кетиш кунигача тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши шарт. ХЭТК объектга электр энергияси етказиб беришни тўхтатганлиги ва қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳақида маълумотнома бериши шарт.

Ягона электр энергетикаси тизимига юкланма энг катта бўлган соатларда истеъмолчининг амалдаги юкланмаси шартномада назарда тутилган қийматдан 5 фоиздан кўпга ошган тақдирда қўшимча тўлов 50%дан 100%га оширилди.

Маиший истеъмолчилар (аҳоли) билан электр энергияси учун ҳисоб-китоблар. Киритилган ўзгартиришларга мувофиқ электр тармоғига янгидан уланадиган уйлар ва хонадонлардаги ЭИХНАТга уланадиган электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари ҳудудий электр тармоқлари корхоналари ҳисобидан ўрнатилади ва давлат қиёслашидан ўтказилади. Мавжуд бўлган ҳисобга олиш приборларини (шу жумладан индукцияларини) алмаштириш ҳамда электр энергиясини электрон ҳисобга олиш янги приборларини ўрнатиш ХЭТК маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Агар ҳисобга олиш приборлари шикастланганлиги, ишдан чиққанлиги, пломбаси бузилганлиги ҳолатларида қайтадан ўрнатилаётган бўлса, истеъмолчи ҳисобга олиш приборлари ва уларни ўрнатиш бўйича хизматлар қийматини тўлаши лозим.

Алоҳида турган яқка тартибдаги уй-жойда яшовчи маиший истеъмолчи билан ХЭТК ўртасида ўзаро келишув мавжуд бўлганда, электр энергиясини ҳисобга олиш приборлари турар жойларнинг фасадларига ёки электр узатиш линиялари опорасига ўрнатилади (чиқарилади). ХЭТК приборларни чиқариш бўйича монтаж ишларини ҳақ матрасдан амалга ошириши лозим. Бироқ бунинг учун зарур материаллар маиший истеъмолчиларнинг маблағларига сотиб олинади.

Ҳисобга олиш приборларидан кўрсаткичларни ёзиб олиш ва тўлов ҳужжатларини амалдаги тариф бўйича ёзиб бериш, илгаригидек, ХЭТК вакили ёки истеъмолчининг ўзи томонидан амалга оширилади. Бироқ бундай маълумотлар мавжуд бўлмаган тақдирда, тўлов ҳужжатлари кўчирмаси олдинги давр учун ёки шартномавий миқдор бўйича электр энергиясининг амалдаги сарфи тўғрисидаги маълумотлар бўйича энергия билан таъминловчи корхона томонидан амалга оширилади. Тўлов ҳужжати маиший истеъмолчига имзо қўйдириб топширилади, у бўлмаган тақдирда эса — у билан бирга бир хонадонда (хусусий уйда) яшовчи вояга етган исталган шахсга топширилади ёки билдиришнома билан бирга буюртма хат орқали жўнатилади.

Тўлов даври аниқланди. Илгари банк ҳужжатидан кўрсатилган сана олинган бўлса, энди эса тўлов тегишли ташкилот томонидан қабул қилиб олинган сана тўлов амалга оширилган сана деб ҳисобланади. Тўлов электрон тўлов тизимлари орқали амалга оширилган тақдирда, пул маблағлари истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамига ўтказилган (транзакция) сана тўлов амалга оширилган вақт деб ҳисобланади.

Тўлов ходимларнинг аризалари асосида, уларнинг иш ҳақидан чегириб қолиш йўли билан амалга оширилганда ҳар бир истеъмолчи учун пул маблағлари ўтказилгандан кейин пул тўлаган ходимларнинг номма-ном реестри ХЭТКга тақдим этилган сана тўлов амалга оширилган сана деб ҳисобланади.

Пеняни ҳисоблаш тартибига ҳам ўзгартириш киритилди. Пеняни ҳисоблаш ҳисобга олиш прибори кўрсаткичлари ёзиб олингандан ва амалга оширилган қайта ҳисоб-китоблардан кейин, шунингдек белгиланган тартибда киритилган олдиндан тўлаш ҳисобга олинган ҳолда, ҳисоб-китоб даврдан кейинги ойнинг 11-кунидан бошлаб маиший истеъмолчининг шахсий ҳисоб рақамида акс эттирилган аниқлаштирилган қарздорлик (недоимка) суммасидан амалга оширилади.

Қарздорлик мавжуд бўлган тақдирда, тарифлар ўзгаргандан кейин истеъмол қилинган электр энергияси миқдори учун янги тариф

**ЭЪЛОНЛАР**

<b>ЮРИДИК ХИЗМАТЛАР</b>
Кўчмас мулк бўйича юрист маслаҳатлари. Кадастр*. Тел. 346-16-89.
ADVOKAT ELITE. Судларда вакиллик қилиш. Корхоналар, ваколатхоналарни рўйхатдан ўтказиш, қайта ташкил этиш ва уларга юридик хизмат кўрсатиш*. Тел.: 281-52-39, 346-16-89.
<b>АУДИТОРЛИК ХИЗМАТЛАРИ</b>
Аудиторлик, бухгалтерия хизматлари*. Тел. (+998 90) 370-63-06.
<b>ХИЗМАТЛАР</b>
Сервис маркази. Компьютерлар, принтерларни таъмирлаш. Картрижларни тўлдириш. Жойига чиқиш билан. Тўлов – пул ўтказиш йўли билан. Тел. 808-14-94.
1С: 7.7 Бухгалтерияга ўқитиш ва ўрнатиш. Тел. (+998 94) 608-79-81.
Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: 556-61-31, 974-54-03.
Архитектура пойхалари ва дизайн*. Тел.: (+998 91) 162-60-17.
Картрижларни тўлдириш. UzKART, ОН-ЛАЙН терминаллар жойига чиқиш билан. Тел.: 235-19-91, 171-99-28, 162-34-55. <a href="http://www.likan.uz">www.likan.uz</a>
*Хизматлар лицензияланган. Товар сертификатланган.



# ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

бўйича ҳақ тўланади (*илгари тарифлар ўзгаргунга қадар истеъмоладан қилинган электр энергияси миқдори аввалги тўлов давридан бошлаб ўртача суткалик истеъмоладан бўйича аниқланарди ва аввалги тариф бўйича тўланар эди*).

Маиший истеъмоладан ҳисобга олишни назорат қилиш приборини ишга тушириш схемаси ўзгарганда, у шикастланганда (истеъмоладан айби билан) ёки гломбалар бузилганда, ҳисобга олишни назорат қилиш приборларидан ташқари бошқа электр қабул қилгичлар уланганда ва амалда истеъмоладан қилинган электр энергияси кўрсаткичларини камайтириш мақсадида бошқа қоида бузишларга йўл қўйилганда ҚЭТКнинг вакили қоида бузилиши ҳақида далолатнома тузади. Далолатнома асосида ҳисобга олишнинг назорат приборлари охириги алмаштирилган ёки ула-ниш схемалари текширилган кундан бошлаб ёхуд охириги марта айланиб чиқилган кундан бошлаб, бироқ даъво муддатидан ортиқ бўлмаган муддатда давр учун ҳисобга олинмаган электр энергияси миқдори қиймати ҳисоб-китоб қилинади.

Ҳисоб-китоб миқдори ва тартиби аввалгидек қолдирилди.

Маиший истеъмоладан энергия билан таъминловчи ташкилот қоида бузиш далолатномаси расмийлаштирилган кундан бошлаб 3 кун муддатда эътироз билдириш ҳуқуқига эга.

## АРХИТЕКТОРЛАР ВА ҚУРУВЧИЛАРНИ ИНСПЕКЦИЯ НАЗОРАТ ҚИЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасининг 5.11.2013 йилдаги 296-сон қарори билан Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти тузилмасида Вазирлар Маҳкамаси Ижро этувчи аппарати ходимларининг умумий сони доирасида Архитектура ишлари ва қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси ташкил этиш назарда тутилди.

Унинг штатига 5 нафар чуқур билимларга ҳамда архитектура ва қурилиш соҳасида амалий иш тажрибасига эга бўлган юқори малакали мутахассислар киритилади.

Қуйидагилар Инспекциясининг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари этиб белгиланди:

### а) архитектура соҳасида:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Давархитектқурилиш», «Ергеодекадастр» давлат қўмитаси, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашга доир белгиланган талабларга риоя этилиши; улар томонидан тасдиқланган бош режалар, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларини қуриш, реконструкция қилиш ва ободонлаштириш бўйича мақсадли ҳудудий инвестиция дастурлари изчил амалга оширилиши, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Республика архитектура-шаҳарсозлик кенгаши ҳамда Аҳоли пунктларини комплекс қуришни назорат қилиш комиссияси қарорлари ижро этилишини юзасидан назоратни таъминлаш ва бошқа ваколатлар;

### б) қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш соҳасида:

белгиланган тартибда рухсат олмасдан лойиҳа-смета ҳужжатларини бир вақтда ишлаб чиққан ва молиялаштирилган ҳолда объектларни қуриш ва реконструкция қилишга йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриш;

объектларни қуриш ва реконструкция қилиш тартибига қўйилмаган техник талабларга риоя қилинишини ўрганиш; рухсат берувчи тартиботларни амалга оширишнинг белгиланган тартибига ваколатли давлат органлари томонидан риоя қилиниши устидан назоратни таъминлаш;

ноқонуний қурилишнинг, ер участкаларидан бошқа мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш ва бунга йўл қўймаслик юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш;

шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилган ҳолда амалга оширилаётган шаҳарсозлик фаолиятини белгиланган тартибда чеклаш, тўхтатиб қўйиш ёки тақиқлаш чора-тадбирларини кўриш ҳамда бошқа назорат функциялари.

Ҳужжат билан Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаментининг янгиланган тузилмаси тасдиқланди.

## СУВ ВА ИССИҚЛИК УЧУН ЯНГИЧА ҲИСОБ-КИТОБ

Вазирлар Маҳкамасининг 6.11.2013 йилдаги 300-сон қарори билан республика иссиқлик ва сув таъминоти ташкилотларини молиявий соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар тасдиқланди.

Ҳужжат билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимликлари томонидан иссиқлик таъминоти ташкилотлари ишини самарали ташкил этиш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар, шунингдек Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва услубий ҳужжатлар ишлаб чиқишга доир ишлари қониқарсиз деб эътироз этилди. Вазирлар Маҳкамасининг Ишчи комиссияси Тошкент шаҳрида 2012 йилда иссиқлик энер-

гиясининг меъёридан ортиқча истеъмоладан қилинганлиги сабабларини ўрганиб чиқди ҳамда 2013 йил 28 мартда хулоса ва тавсиялари билан техэкспертиза далолатномасини тузди. Шунингдек иссиқлик таъминоти ташкилотлари ва «Ўзбекнефтегаз» МХК, «Ўзбекэнерго» ДАК ўртасидаги ўзаро қарздорлик бўйича қиёслаш далолатномалари тузилди.

### Қарор билан қуйидагилар тасдиқланди:

Республика иссиқлик таъминоти ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва молиявий соғломлаштириш бўйича чора-тадбирлар комплекс. Унда иссиқлик таъминоти тизимларини янгилаш ва модернизацциялаш, замонавий энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш; ҳисоб-китоб ва ҳисоботни такомиллаштириш, аҳоли билан ҳисобга олиш приборларининг иқтисодий фойдаси ва экологик жиҳатлари ҳақида тушунтириш ишлари олиб бориш назарда тутилган.

2014-2015 йилларда ишлаб чиқилиши лозим бўлган коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва услубий ҳужжатларни такомиллаштириш ва янгилаш дастури. 34 ҳужжатни ишлаб чиқиш режалаштирилган, улар сирасида Сув таъминоти ва сув оқиши тизимларидан техник фойдаланиш қоидалари, Турар жой ва нотурар жой бинолари мулкдорлари билан сувни умумий уй бўйича ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда ичимлик сувидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низом, Маиший чиқиндиларни транспортировкаш қоидалари ва бошқалар бор.

Ҳужжат билан аҳоли ва юридик шахслар билан иссиқлик ва сув таъминоти бўйича ҳисоб-китобларнинг янги шартлари назарда тутилган. Шундай қилиб, 2013 йил 1 декабрдан бошлаб:

иссиқлик энергиясини ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган янги истеъмоладанчиларнинг (абонентларнинг) иссиқликдан фойдаланувчи қурилмаларини ва иссиқлик тармоқларини улаш (кўп квартиралар уйларда жойлашган юридик шахслар бундан мустасно) ва иссиқхона ҳужжаликларига иссиқлик таъминоти бўйича хизматлар кўрсатиш тақиқланади;

ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган юридик шахсларга иссиқлик энергиясини етказиб берилган ҳолларда тарифнинг 2 баравари қўлланилади (кўп квартиралар уйларда жойлашган юридик шахслар бундан мустасно);

ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган аҳолига етказиб берилган иссиқ ва совуқ сув учун ҳақ тўлашда белгиланган тарифларга 1,5 оширувчи коэффициентни қўлланилади;

фуқаролар прописка қилинмаган турар жой биноларида ҳисобга олиш приборлари мавжуд бўлмаган тақдирда, иссиқ ва совуқ сув таъминоти ҳамда оқаваларни чиқариб ташлаш бўйича ҳисоб-китоб бир хонали ва икки хонали турар жойда 1 кишига; уч хонали уйда – 2 кишига; тўрт хоналида – 3 кишига; беш хоналида – 4 кишига ҳисоб-китоб қилинганда белгиланган тарифларга 1,5 оширувчи коэффициентни қўлланилган ҳолда амалга оширилади.

Ҳужжат билан Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга (ВМнинг 15.02.2013 йилдаги 44-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида нафақалар оладиган кам таъминланган оилаларни коммунал хизматларни етказиб берувчилар ҳисобидан иссиқ ва совуқ сувнинг ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш вазифаси белгиланди. Бунда уй-жой мулкдори у билан етказиб берувчи ўртасида тузилган шартномага асосан ҳисобга олиш приборининг қийматини 12 ой давомида сундириши лозим.


Қарор билан Ўзбекистон Республикасида коммунал хизматлар кўрсатиш қоидаларини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаштириш учун киритиш назарда тутилган.

Мунтазам фаолият юритувчи Идоралараро комиссия тузилди, у тадбирларнинг амалга оширилишини таҳлил қилиши, мувофиқлаштириши ва назорат қилиши, жойларда, вазирлик ва идораларда давлат ҳокимияти органларининг ҳисоботларини тинглаши лозим.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоят ҳокимликларига ҳар бир иссиқлик таъминоти ташкилоти учун чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, моддий ва меҳнат харажатларини, номоддий харажатларни ва йўқотишларни асосланмаган ҳолда ошириб кўрсатилишига, энергия ресурсларидан нораціонал фойдаланилишига йўл қўйдиган раҳбарларни жавобгарликка тортиш чораларини қабул қилиш юкланди. Шунингдек Қарор билан тасдиқланган жадвалга мувофиқ 2014-2020 йилларда республиканинг 28 та йирик шаҳарларида иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш ва модернизацция қилиш чизмаларини ишлаб чиқиш топширилди.

## БАНКЛАР ФАОЛИЯТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Марказий банк бошқарувининг қарори (31.10.2013 йилдаги 2014-6-сон) билан Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.



Ҳужжат билан аниқлаштирилишича, устав капиталда давлат улуши бўлган юридик шахслар; давлат органлари; сиёсий партиялар; касаба уюшмалари; жамоат фондлари; диний ташкилотлар хусусий банк муассислари (акциядорлари) бўлиши мумкин эмас.

Шунингдек Низом нормалари «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунга (22.07.2008 йилдаги ЎРҚ-163-сон) мувофиқлаштирилди, унга асосан банк акцияларининг 5 фоиздан ортиғи олинган тақдирда, Марказий банк хабардор қилиниши, 20 фоиздан ортиғини олишда эса, олдиндан унинг розилигини олиш талаб қилинади. Марказий банкнинг розилиги билан илгари олинган улуш миқдорини янгидан ошириш учун яна олдиндан унинг розилигини олиш лозим.

Бундан ташқари, белгиланишича, банк устав капиталдаги акцияларнинг 35 ва ундан ортиқ фоизини тасарруф этиш бўйича битимлар тузиш учун Ҳўжалик юритувчи субъектларнинг устав фондидаги (устав капиталдаги) акцияларни (улушларни) ва бошқа мулквий ҳуқуқларини олишга доир битимларни кўриб чиқиш ҳамда бундай битимларни тузиш учун олдиндан розилик олиш тартиби тўғрисида низомга (ВМнинг 20.08.2013 йилдаги 230-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ монополияга қарши органининг олдиндан розилигини олиш зарур бўлади.

Бинобарин, киритилган қўшимчалар билан банкни рўйхатга олишни ва унга лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор ариза берувчига рад этиш сабаблари ҳамда ариза берувчи кўрсатилган сабабларни бартараф этиб, тақдоран кўриб чиқиш учун ариза бериши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда ёзма шаклда хабарнома юборилиши белгилаб қўйилди. Хабарномада кўрсатилган камчиликларни бартараф этилган ҳолларда ҳужжатларни тақдоран кўриб чиқиш улар олинган кундан эътиборан 15 кундан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади. Бунда хабарномада илгари кўрсатилмаган янги асослар бўйича рўйхатга олишни ва лицензия беришни рад этишга йўл қўйилмайди. Агар буюртмачи томонидан кўрсатилган муддат ўтганидан кейин ариза берилган бўлса, у янгидан берилган ҳисобланади. Буюртмачи рўйхатга олишни ва унга лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарор устидан суд тартибда шикоят қилишга ҳақли.

Қарор 4.11.2013 йилдаги 44 (596)-сон «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»да расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

## ОБОДОНЛАШТИРУВЧИЛАР СЕНИ КЎПАЯДИ

«Ўзкоммунхизмат» агентлиги ва Молия вазирлигининг қарори (АВ томонидан 29.10.2013 йилдаги 1989-1-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари ходимларининг меъёридан ортиқ сони белгиланган тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимча киритилди.

Аввалгидек, бош мутахассислар, етакчи мутахассислар ва мутахассисларнинг аниқ лавозимлари бошқарманинг тегишли тузилмавий бўлинмаларининг ўзига хос вазифалари ва функцияларидан келиб чиқиб, бошқарма раҳбари томонидан жорий этилади. Бош меҳаник лавозими бошқарма балансида 50 дан ортиқ техника бирлиги мавжуд ҳолларда жорий этилади. Ҳар 10 гектар кўкаламзорлаштириладиган ер майдонига агроном лавозими жорий этилади. Шунингдек бошқарма зарур ҳолларда ҳар 10-15 ишчига (илгари эса – 30-40 ишчига эди) бригадир лавозими жорий қилади.

Йўриқномадан ходимларнинг умумий сони 200 бирликдан кам бўлган бошқармаларда «ҳодимлар бўлими бошлиғи» лавозими ўрнига «ҳодимлар бўйича назоратчи» лавозими жорий этилишини, шунингдек штати 300 бирликкача бўлган бошқармаларда – битта бирлик, штати 300 бирликдан ортиқ бўлган бошқармаларда иккита бирлик «моддий бухгалтер» ва «ҳисоб-китоблар бўйича бухгалтер» лавозими жорий қилинишини назарда тутувчи нормалар чиқариб ташланди.

Қарор 4.11.2013 йилдаги 44 (596)-сон «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»да расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юрисларимиз Елена ЕРМОХИНА ва Сардор ЖУМАШОВ тайёрладилар.

Иқтисодий-ҳуқуқий газетаси

**НОРМА МАСЛАХАТЧИ**

ҲУҚУҚ  
СОЛИҚЛАР  
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАБСИСЧИ «Norma Hamkor» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида рўйхатга олинди.  
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУХАРРИР  
ФАРҲОД ҚУРБОНОВ  
ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:  
100105, Тошкент ш.,  
Миробод тумани,  
Таллимаржон кўч., 1/1,  
Тахририят тел. 283-44-27  
Обуна бўлими тел. 200-00-30  
E-mail: gazeta@norma.uz,  
normapress@mail.ru,  
www.norma.uz  
Нашр учун масъул:  
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуктаси назарига мос келмаётганда,  
Тахририят муштарийлар билан ёзишиб туриш имкониятига эга эмас.  
«Norma маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кучириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» газеталари бирлашган тахририяти МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета ношир – «Norma» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди  
(Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1),  
Индекс – 186 Буюртма 1266 Агад 2137. Баҳоиси келишилган нархда  
Газета А3 ҳажмида, 2 шартли босма табоқда чоп этилди.  
Газета 2013 йил 18 ноябрда соат 19.30 да топширилди. ISSN 2010-5223